

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 3 март • №9-10 (1394)

ТАШРИФ

### ХАЛҚ РОЗИЛИГИ – БУ ОЛИЙ САОДАТДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, бир қатор ишлаб чиқариш объектлари, обод маҳаллалар ва аҳоли билан мулоқот асосида тиббий сифати билан ҳам яқиндан танишди. Илк ташриф Мўйноқ шаҳридан бошланди.

Маълумки, бу ер мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан бири. Энг яқин шаҳар – Қўнғиротгача 100, Қорақалпоғистон маркази – Нукусгача 200 километр масофа бор. Бу коммуникацияда қийинчилик туғдириши табиий. Шу боис мўйноқликларнинг ҳаёти, шароитларига Давлатимиз раҳбарининг эътибори бошқача. Бу ҳудудни ривожлантириш бўйича иккита қарор қабул қилиниб, манзилли дастурлар амалга оширилган. Президентимизнинг ўзи ҳам Мўйноққа икки марта – 2018 ва 2019 йилларда ташриф буюрган. Ўшанда бу ерда транспорт коммуникацияларини яхшилаш бўйича кўрсатма берилган эди. Шунга мувофиқ, автомобиль йўллари таъмирланди. Мўйноқ аэропорти янгиланиб, ишга туширилди. Бу “ҳаво порти” 1947 йилда қурилган бўлиб, илгари кичик самолётларни қабул қилган. Кейинчалик умуман ишламай ҳам қолган эди. Бугун ҳаётга қайтган бу аэропортга илк бор Ўзбекистон Президентининг самолёти келиб қўнди.

Президент бу ерда мўйноқлик ёшуулилар, маҳалла раислари, хоким ёрдамчилари ва ёшлар билан учрашди.

Охириги беш йилда кўп нарсани ўргандик, илгари ишонилмаган нарсаларга ишондик. Мен биринчи келганимда «маданият Мўйноқдан бошланади» дегандим. Шундай бўлаётти. Мана шу аэропорт ҳам бир мисол. Энди Тошкент - Мўйноқ - Нукус авиақатнови йўлга қўйилади, - деди Шавкат Мирзиёев.

Ташрифдаги яна бир янгилик - Оролбўйини биргаллик ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси туманлари муайян вилоятларга бириктирилган. Президент бунинг сабаби ва аҳамиятини тушунтириб берди.

Оролбўйида аҳвол ёмон деб қўпчилик гапирди. Лекин ҳамма ҳам бу ерга келиб кўрмаган. Оролнинг ҳавосидан нафас олиши, шароитни кўриб, адолатли баҳо бериши учун бу ерга бутун республикадан раҳбарларни юбордим. Қорақалпоғистон ривожига катта маблағ йўналтирармиз, - деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Мўйноқдаги долзарб масалалар, келгуси ишлар бўйича аҳоли фикрини сўради.

Бу ерда қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш одамлар яшайди. Фақат уларга ишлаш учун шароит яратиб беришимиз керак. Лекин қандай корхона курамиз? Нима ишлаб чиқарамиз? Унинг бозори нима бўлади? Самолёт келгани бежиз эмас. Энди маҳсулотларни ташини осонла-

шади. Шунинг учун сизлардан илтимосим: аччиқ, асосли, манфаатли гапларни айтинглар. Биргалликда яқин икки йилга аниқ режаларни белгилаб олишимиз керак, - деди Шавкат Мирзиёев.

Жамоатчилик вакиллари ҳудуддаги муҳим масалалар бўйича ўз таклифларини билдирди. Президентимиз уларни қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга топшириқлар берди. Мўйноқ туманига Тошкент вилояти бириктирилган. Учрашувда ушбу вилоят тадбиркорлари томонидан Мўйноқ туманида амалга ошириладиган ишлар ҳақида аҳоли вакиллари олдида тақдирот ўтказилди. Қайд этилганидек, бу ерда истироҳат боғи қурилади, кўшимча қувур тортиб келинади. Кексалар санаторий, болалар оромгоҳларга юборилади.

Давлатимиз раҳбари аҳоли саломатлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу ерга келиб ишлайдиган шифокорларга ойлик устамалар бериш, уй билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев Орол денгизининг қуриган жойига бориб, вазиятни кўрди. Қорақалпоғистон халқи ҳаёти, умуман, катта минтақадаги экология шу муаммога боғлиқ. Бир пайтлар денгиз ва унга туташ дарёлар, яйловлар одамларга ризқ улашган, иш, даромад манбаи бўлган. Лекин табиат қонунларига аралашиб, Амударё ва Сирдарё сувини тўсиш дунёдаги оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Глобал иссиқ муаммоси қучайиб, ёгингарчилик камайётган бугунги асримизда Орол денгизини қутқариш тобора имконсиз бўлиб бормоқда. Бундай шароитда ягона йўл - борини асраб қолиш, фожи таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини оsonлаштириш. Бу ўз ўрнида инсон саломатлиги учун ҳам жиддий хавф туғдиради.

Президент Нукус шаҳридаги “Чимбой гузари” маҳалласида бўлди. Аҳолининг турмуш шароитларини кўриш учун айнан шу жойга келингани бежиз эмас. Одамлар бу ерга 2000 йиллардан ўрнаша бошлаган. Уйлар режасиз қурилгани сабабли кўчалар тартибсиз бўлиб қолган, электр энергияси ва ичимлик суви етишмасди. Маҳаллада иш жойи ва тиббий хизмат йўқ эди.

Шу ердаги тиббий хизмат пункти ҳам кўздан кечирилди. Қорақалпоғистонда янги клиникалар қуриш, тиббиёт кластерлари ташкил этиш режалари муҳокама қилинди.



*Аёл - миллат келажаси, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлари эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси фаровон бўлади. Аёл меҳнати билан жамият тўлақонли ривожланади, тараққий этади. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг оғирини енгил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимиздаги барча хотин-қизларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этамиз!!!*

ВИДЕСЕЛЕКТОР

### ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 1 МАРТ КУНИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ВИДЕСЕЛЕКТОР йиғилиши ўтказилди

Халқимиз тарихида буюк алломалар, жаҳонгир боболаримиз қаторида, бундай инсонларни дунёга келтириб, тарбиялаган, улуғвор ишларга руҳлантирган фозила аёллар ҳам кўп бўлган. Бугун ҳам хотин-қизларимиз фарзанд тарбиясида, турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг нафар аёл касб-хунарга ўқитилди. 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг



бошланғич бадалига маблағ ажратилди. 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олий таълимга қабул қилинди. Натигада, ўтган йили олий ўқув юртига кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Умуман, 2020 йилдан бошлаб, “Аёллар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиб-

бий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилган.

Йиғилишда бу борадаги навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда “Аёллар дафтари”да 630 мингдан зиёд хотин-қиз рўйхатда турибди, улардан 200 минг нафари ишсиз. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилада зўравонлик ва тазйик ҳолатлари, афсуски, ҳали ҳам бор.

Давоми 2-бетда →



ВИДЕОСЕЛЕКТОР

# ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ



◀ Давоми. Боши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бу муаммоларни ҳал этишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик ва нурунийларнинг ўрни ва таъсири сезилмаётганини айтди.

– Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишни хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, она рози бўлади, она рози бўлса, жамият рози бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу мақсад мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Уларнинг ижросини тизимли тарзда, ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида Президент фармони қабул қилинди.

Қўмита раиси айни пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар бошқармалари раҳбарлари эса, ҳоким ўринбосари ҳисобланади.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармаси мазкур қўмита томонидан бошқарилади. Юртимиздаги 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосари лавозимлари ҳам қўмита тизимида ўтказилади ҳамда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинади.

– Энди ҳар бир маҳаллада аёлларнинг дарди билан яшайдиган тизим бўлади. Қайси аёлга нима кераклиги, ўқиши, даволаниши, болалари тарбияси бўйича менинг столимда адолатли рақам бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, хотин-қизлар масалалари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимида эди. Алоҳида қўмита тузилиши муносабати билан, бу вазирлик ҳам Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Бу соҳада ҳам янги тизим яратилиши белгиланди. Жойларда бу вазифа бевосита ҳокимларнинг зиммасига юклатилади, ҳоким ўринбосари лавозими қисқартирилади. Маҳалла раиси ўз ҳудудида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолининг ҳамжихатликда ишлашни таъминлайди.

Шунингдек, Халқ қабулхоналарининг вазибалари ҳам энди шаҳар ва тумандан маҳалла миқёсига тушади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Бу мақсадлар учун жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилиши қайд этилди.

Аёлларнинг уй-жой шароитини яхшилаш масаласига тўхталар экан, Президентимиз шундай деди:

– Бир вақтлар аёлларга имтиёзли уй беришга имкон йўқ эди, бунга қонуний асос, маблағ йўқ эди.

Йиғилишда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилиши белгиланди.

Уларнинг саломатлигини тиклаш бўйича ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, жорий йилда 6 минг нафар аёлга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Ногиронлиги бўлганлар реабилитация воситалари билан таъминланади. 3 миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади. Шунингдек, қизларни эмлаш, фертил ёшдаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Қизларнинг яхши таълим олиши, касб-хунар эгаллаши Президентимизни ҳамisha ўйлантирадиган масалалардан бири. Бу йиғилишда ҳам улар учун таълим шароитларини кенгайтириш бўйича тарихий қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилади. Дастур доирасида, пойтахтимизда асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шерикчилик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Пахта-тўқимачилик

ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб, таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк мартаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинади. Бунинг учун, жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир янгилик: келгуси ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланади.

Жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Мономарказлар ва олийгоҳлар қошида Малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш, аёлларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитиш бўйича кўрсатмалар берилди.

2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилиниши белгиланди. Унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади. Аёллар

*Йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Фаол аёллар, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари сўзга чиқиб, ўз фикрларини билдирди.*

учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Улар учун қўллаб-қувватлаш солиқ ва савдо имтиёзлари белгиланди.

Йиғилишда аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда тазйик ва зўравонлик учраган аёллар 30 кун муддатга алоҳида ҳимояга олинади. Лекин, ундан кейинги тизим бўшлиқ бўлиб қолган.

Шу боис, энди аёлларнинг тазйик ва зўравонликдан ҳимояси суд томонидан таъминланиши, алоҳида ҳимояга олиш бир йилгача белгиланиши айтилди. Оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулиятини ошириш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан. Президентимиз бу борада обрў-эътиборли, билимли хотин-қизлардан иборат “Оқида аёллар” ҳаракатини ташкил қилиш таклифини билдирди.

– Бу ҳаракат “маҳалланинг виждони”га айланиши керак. Чунки маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.





АЁЛ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



лий диний анъаналарни тўғри тарғиб қилиши;

- диний-маърифий ва дунёвий тарбияни юксалтириши орқали хотин-қизлар ўртасида маънавий таҳдидларга қарши қатъий эътиқод ҳамда гоёвий курашчанликни шакллантириши;

- ёшларни ватанпарварлик, ҳуқуқий, жисмоний, экологик ва эстетик руҳда, оилавий-маиший, меҳнат ва касбий маҳорат бўйича тарбиялаш;

жамият ва оиладаги мавқеи», «Одоб - қизларимиз кўрки», «Шарқона одоб-ахлоқ», «Муомала маданияти», «Талаба-қизларнинг маънавий қиёфаси», «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Аёл оила ва жамият таянчи», «Аёл оила кўрки», мавзуларида факультетлар хотин-қизлари ва талаба қизлари ўртасида мутахассислар иштирокида тренинглари, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, зарарли иллатлардан йироқ бўлиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида «Оила муқаддас даргоҳ», «Оила ватан ичра ватандир», «Эрта турмуш кўришнинг зарарли оқибатлари», «Соғлом насл яратишга тайёрмисиз?», «Инсон наслига таъсир этувчи омиллар» «Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари», «Соғлом авлод-соғлом келажак», «Биз

ларда, талабалар турар жойларида «Қизлар тарбияси жамият кўрки», «Аёл буюк ва бекиёс мўъжиза», «Миллий қадриятлар – маънавиятимиз кўзгуси», «Диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш», «Огоҳ бўлайлик», «Тиёҳвандлик умр заволи», «Биз ОИТСга қарши» мавзуларида вилоят Миллий ҳавфсизлик хизмати бошқармаси, Дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари иштирокида очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Хотин-қизлар ўртасида таъйик ва зўравонлик, коррупция, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш каби халқимиз турмуш тарзига ёт бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» ги қонунларининг ижросини таъминлаш

Эътирофлиси шундаки, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз хотин-қизларига бўлган эътибор ва ғамхўрликларини бир сўз билан ифода қилиш қийин. Мазкур йиғилишда Юртбошимиз хотин-қизларимизнинг оила ва жамиятдаги ўринларини янада нуфузини ошириш мақсадида кенг шароит ҳамда имкониятлар яратиш масалаларига жиддий ёндашиб муҳим вазифаларни белгилаб бердилар. Шу ўринда Президентимиз «Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади» деб таъкидлаган пурмаъно сўзларининг замирида олам-олам маъно ётибди. Президентимизнинг ҳар бир соҳа йўналиши бўйича хотин-қизларимиз учун белгилаб берган чора-тадбир ва вазифаларига назар ташлар эканмиз, «Ўзбекистон аёллари»-дек, бахтли аёллар бормикан дея, қалбимиз янада қувончга тўлади. Шундай экан, бундай кенг имкониятлардан фахрланмай бўладими?

Бугунги кунда қайси бир соҳага қарамайлик, уларнинг ҳар бирида хотин-қизларимизнинг фидойиларча ишлаб, жамиятимиз равнақига муносиб хисса қўшиб келатганликларини кўраемиз. Жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтида ҳам кўп сонли хотин-қизларимиз ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан обрў-эътибор қозониб келмоқдалар. Ҳозирги кунда институтида фаолият юритаётган 1 389 нафар ходимлардан 698 нафарини (50,2 фоиз) хотин-қизлар ташкил этади. 1 009 нафар профессор ўқитувчиларнинг 516 нафари (51 фоиз) хотин-қизларга тўғри келади, шунингдек, уларнинг бир қатори раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, 2 нафари проректор, 1 нафари



факультет декан ўринбосари, 34 нафари кафедра ва курс мудири, 8 нафари институт маъмурияти бўлимларида бўлим бошлиқлари лавозимида фаолият юритиб келмоқдалар. Шунингдек, илмий салоҳият йўлида эса фан докторлари 18 нафар хотин-қизлар бўлиб, 6 нафари профессорлар, 67 нафари фан номзодлари, 42 нафари доцентлар, 22 нафари катта ўқитувчилар, 118 нафари докторантлар ва мустақил изланувчилардан иборатдир. Талаба қизлар сони 3786 нафарни, магистратура резидентлари 156 нафарни, клиник ординатор қизлар 221 нафарни ташкил этади.

Таъкидлашим муҳимки, аввало, жамоада соғлом муҳит барқарорлиги ҳамда эзгу мақсадлар режалар белгилаб олинсагина у ердаги фаолият самарадорлиги ўз натижасини беради. Шундай экан, институтида хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаолиятининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- хотин қизлар ўртасида замонавий илмий дунёқараш асосидаги қадриятлар тизimini шакллантириши;

- ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириши;

- диний экстремизм миссионерлик гоёларининг тарқалишини, ҳуқуқ бузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ўз жонига қасд қилиш, хотин-қизлар ўртасида таъйик ва зўравонлик каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, мил-



- талаба қизлар ўртасида иқтидорли, номдор стипендия ва «Зулфия» номидаги давлат мукофоти совриндорлари фаолиятини тарғиб қилиши;

- соғлом турмуш тарзини шакллантиришидир.

Хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мавқени юксалтириш, маънавий ва маърифий ишларни амалга ошириш, миллий ҳамда маънавий қадриятларимиз асосида қизларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, интеллектуал ва касбий тажрибасини, ҳуқуқий саводхонлигини, маданиятини ошириш мақсадида хотин-қизлар маслаҳат кенгаши томонидан доимий равишда мавзуларга оид тадбирлар ўтказилиб келинмоқда:

«Ҳозирги замон аёлининг

соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Соғлом – она, соғлом – бола, соғлом – жамият» «Соғлом фарзанд-соғлом келажак» мавзуларида барча факультетлар, ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институти академик лицейи хотин-қизлари ва ёшлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, репродуктив саломатлик бўйича семинар-тренинглари олиб борилмоқда. Институт хотин-қизлари ўртасида халқимиз маънавиятига ёт бўлган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг, диний экстремизм, миссионерлик гоёларининг тарқалишини олдини олиш, миллий диний анъаналарни тўғри тарғиб қилиш, замонавий илмий дунёқараш асосидаги диний-маърифий ва дунёвий тарбияни юксалтириш, ёшлар ўртасида гоёвий курашувчанлик ва ватанпарварликни шакллантириш борасида факультет-

мақсадида «Хотин қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ва гендер тенглик», «Зўравонликсиз ҳаёт», «Биз зўравонликка қаршимиз», «Зўравонликка йўл йўқ» мавзуларида вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутахассислари иштирокида семинар, давра суҳбатлари, учрашувлар, профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаоллари Самарқанд шаҳри, вилоят ва Республика миқёсида хотин-қизларнинг сиёсий ижтимоий, маънавий, маърифий, ҳуқуқий йўналишларда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Институтида хотин-қизларининг илм фан соҳасида ҳам ўрни бекиёсдир.



АЁЛ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР



← Давоми. Боши 3-бетда

Самарқанд давлат тиббиёт институти олималари беморларга ҳамдард бўлиб шифо бериш билан бир қаторда ўзларининг самарали меҳнатлари, изланишлари ва ютуқлари билан илм-фан тараққиётига ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. "Илм-фан, тараққиётида олималарнинг ўрни", "Ёш олималарнинг жамият тараққиётидаги ўрни" мавзусида Республика "Олима" уюшмаси вилоят бўлими ҳамда вилоят олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилган конференция ва семинарлар шулар жумласидандир. Институтимиз раҳбарияти тавсияси билан бир қатор хотин-қиз профессор ўқитувчиларимиз ҳам самарали ва фидокорона меҳнатлари учун давлат мукофотлари ҳамда Соғлиқни сақлаш, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиқларининг фахрий ёрликлари билан тақдирланиб келмоқдалар. Шунингдек, Республика кўрик-танловларида қатнашиб ғолибликни қўлга киритишди. Д. Холмуродова "Олий таълим муассасининг энг яхши педагоги", М. Насритдинова "Йил аёли" кўрик танловининг Республика босқичи ғолибаси деб эътироф этилди. Институтимизда хотин-қизларнинг маданият ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида спорт ва соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хотин-қизларимиз институт, Самарқанд шаҳри ва вилоят спорт мусобақаларида доимий равишда фаол иштирок этиб,

совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Талаба-қизлар орасида спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика, қўл тўпи, қатта теннис, шахмат-шашка турларига қизиқувчилар кўпчилигини ташкил этади. 300 нафардан ортиқ қизларимиз спорт клуби секцияларига аъзо бўлиб, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб келишмоқда ҳамда 14 нафар қизларимиз спорт таснифига (разряд) эга бўлишган. 1 нафар қизимиз ўзбек жанг санъати бўйича спорт устаси.

Иқтидорли қизлар тўғрагини йўлга қўйиш, қобилиятли қизларни "Зулфия номидаги давлат мукофоти"га ва бошқа танловларга, номдор стипендияларга тавсия қилиш мақсадида "Қизларжон клуби" ташкил этилиб, барча факультетлардан иқтидорли қизлар аъзо қилинган. Улардан педиатрия факультетидан Мухлиса Хазраткулова, маданият йўналиши бўйича "Зулфия номидаги давлат мукофоти" танловининг шаҳар босқичи ҳамда "XXI аср аёли" миллий танловининг вилоят босқичларида М. Хазраткулова ва З. Қобиловалар иштирок этиб совринли ўринларни қўлга киритишди. 2 нафар қизларимиз номдор стипендиялар соҳибалари бўлишди. 17 нафар иқтидорли талаба қизларимиз ҳамда 5 нафар Академик лицей ўқувчи қизларимиз "Ректор стипендияси" совриндорларига муносиб деб топишди. Бир қатор қизларимиз Халқаро, Республика фан олимпиада ва танловларда ғолибликларни қўлга киритишди.

Жумладан: «Самарқанд-2020» Халқаро тиббиёт талабалари олимпиадасида ҳам қизларимиз фаол иштирок этиб, 50 нафардан ортиқ иқтидорли қизларимиз фахрли 1,2,3-ўринларни қўлга киритишди. "Қизларжон клуби" аъзолари томонидан атоқли саналар ва байрамларга бағишлаб кечалар, байрам тадбирлари, ташкиллаштирилиб келинмоқда. Қизларимиз томонидан "Меҳрли қўллар" акцияси ҳам ташкил этилиб қизларимиз ўз қўллари билан яратган юмшоқ ўйинчоқлар ва қўл ишларини меҳрга муҳтож болажонларга улашиб келишмоқда. Шундай акциялар «Онкология ва радиология» илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ва меҳрибонлик уйларида ўтказилди. Клуб фаоллари аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида маърузалар ва сахна кўринишлари тайёрлаб махсус мактаб интернатларда, мактаб, маҳалла ҳамда матабгача болалар муассасаларида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришди. Айниқса, «Тақдиринг бефарқ бўлма» деб номланган сахна кўриниши бугунги кунда хотин-қизларимиз учун берилган имкониятлар оила муаммолари, эрта никоҳлар, ногиронлик, гиёҳвандлик, зўравонлик, гендер тенглик масалаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб кўпчилиكنинг олқишларига сазовор бўлди ҳамда Самарқанд шаҳри ҳокимлиги тавсияси билан Самарқанд шаҳар мутасадди ташкилотлари фаоллари ўртасида, Республика

«Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш» вилоят марказида ҳам намойиш этилиб, қизларимиз тақдирландилар. Институт талабалар турар жойларида истиқомат қиладиган қизлар жойлашган бўлиб, уларнинг турар жой, ички тартибига риоя қилиш, хоналарнинг тозаллиги, эстетик жиҳозланиши, қизларнинг кийими, саломлашиш, муомала маданияти, ўқишга ва келажак ҳаётга бўлган муносабатларига бағишланган "Қизлар одоби ва маънавияти", "Қизлар тарбияси ва руҳияти", "Ораста қизлар", "Соғлом турмуш тарзи" мавзуларида давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, китоб тақдиротлари ва мутоалалари ҳамда "Ораста қизлар" кўрик-танловлари ўтказилди.

Хотин-қизлар кенгаши аъзолари томонидан талабалар турар жойларида, ижарада, ўз уйларида яшайдиган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногирон қизларимиз ҳолидан доимий равишда хабар олиниб, уларнинг яшаш шароитлари ва ҳаёти билан яқиндан танишиб, ўрганилиб, суҳбатлар ўтказилиб, маслаҳатлар, ёрдамлар берилиб келинмоқда. Талабалар турар жойларида истиқомат қиладиган халқаро таълим

факультети қизларининг яшаш шароитлари соғлиқлари мунтазам равишда ўрганиб борилиб, улар билан яқиндан доимий алоқа ўрнатилган.

Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши ва институт ходимлар касба уюшмаси билан байрамлар арафасида институтимизда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари, хотин-қиз устоз ва ходимларимиз ҳолидан доимий равишда хабар олиш аниқанага айланиб бормоқда. Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаоллари билан академик лицей ўқитувчилари, хотин-қизлари ўқувчилари ва ўқувчи қизлари ўртасида ҳам доимий алоқалар ўрнатилган бўлиб, ўқиш жараёнлари, ётоқхонадаги шароитлар, ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши ўрганилиб борилмоқда ва мавзуларга оид тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Хулоса сифатида айтишим муҳимки, албатта, биз эришаётган ютуқлар, албатта, юкорида таъкидлаганимдек, Юртбошимизнинг мамлакатимиз хотин-қизларига бўлган эътибор ва ғамхўрликларининг ёркин ифодасидир.

**Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз хотин-қизларини баҳор айёми ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан институтимиз жамоаси номидан самимий муборакбод этаман. Уларга киш қоридек оқ, баҳор гулларидек нафис, ёз саратонидек қайноқ, куз тонгидек мусаффолик тилаб қоламан.**

**Гавҳар ХУДАЙБЕРДИЕВА,**  
Самарқанд давлат тиббиёт институти  
хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси

## САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Юртимиздаги барча аёлларни

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан қутлайди!

*Аёл бор уйда бахт бор, аёл бор жамиятда юксалиш бор! Шундай экан, ҳар қандай касбда меҳнат қилган хотин-қиз борки, улар доим ҳурмат ва эъзозда бўладилар. Уларнинг барчасини байрам билан самимий муборакбод этиб, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик тилаб қолади.*

Электрон манзилимиз: [uzss@yandex.ru](mailto:uzss@yandex.ru)

@uzssgzt



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

# ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

ЯҚИНДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.  
РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ҲАМ БИР ҚАТОР ИЖОБИЙ ВА КАТТА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Эътирофлиси шундаки, кейинги йилларда Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли юртимиз тиббиёт тизимида оламшумул ўзгаришлар бўлаётганлигини ҳар биримиз чин қалбдан ҳис этиб келмоқдамиз. Шундай экан, қуни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифлари халқимиз қалбимдан янада чуқур ўрин олди. Мўйноқ туманидан бошладилар. Аҳамиятлиси шундаки, мамлакатимиз раҳбари самолёти илк бор Мўйноқ аэропортига қўнди. Бундан беш йил олдин биз буни тасаввур ҳам қила олмас эдик.



Таъкидлаш муҳимики, Давлатимиз раҳбари қисқа давр ичида кўп марта қорақалпоқ заминига келиб, бу ердаги заҳматкаш халқ билан учрашдилар. Одамларнинг дарду ҳасратларини эшитиб, муаммоларга жойида ечим топиш механизмини яратдилар. Бу галги ташрифлар чоғида ҳам туманлардаги бирламчи тизим фаолиятлари билан танишдилар. Бир сўз билан айтганда, уларнинг қалбларидаги эзгу мақсадлари замирида қорақалпоқ халқининг саломатлиги мужассам эканлигини кўрдик. Бунинг ифодаси сифатида айтишим жоизки, Президентимизнинг таклиф ва ташаббуслари билан аҳолимизга кўрсатилаётган бирламчи ҳамда ихтисослашган тиббий хизматлар тўғри йўлга қўйилди ва халқимиз бу каби қулайликлардан мамнун бўлмоқдалар. Шундай экан, Юртбошимиз навбатдаги ташрифлари чоғида ҳам тизим фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида ўз таклифларини бердилар.

Мамлакатнинг жадал ривожланишида аҳоли саломатлигини сақлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Сабаби, соғлом авлод нафақат келажагимиз асоси бўлибгина қолмай, жамиятни раванқ топтира оладиган мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради. Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг туб негизиди ҳам бунинг асоси сезилиши мумкин. Мана шуларни тегаран сезган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор ижобий ва катта ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, сўнги йилларда давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар сабабли соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, бу бўйича Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг аҳамиятини аҳолига етказиш, аниқ белгилаб қўйилган дастур асосида унинг ижросини таъминлаш — олдимизга қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, соҳага жаҳон тиббиёти амалиётидаги энг сўнги ютуқлар ва илғор технологияларни жорий қилишга, малакали кадрлар тай-

ёрлаш ва қайта тайёрлаш тизimini янада модернизациялаш, замонавий тиббиёт муассасаларини яратишга ва тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларида фаолият кўрсатиётган оилавий шифокорлик пунктларидан бошлаб, илмий-амалий тиббиёт марказлари ва бир қанча тиббиёт муассасаларининг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз фармонлари асосида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар билан бирламчи бўлган кенг қамраб олиш мақсадида 3



йилда 28 та оилавий шифокорлик пункти ва 3 та оилавий поликлиниканинг ишга туширилиши белгиланганлиги муносабати билан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан “Қорақалпоғистон Республикасида 2021-2023 йилларда оилавий шифокорлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникаларни ташкил қилиш бўйича тармоқ режаси” тасдиқланди. Мазкур тасдиқланган тармоқ режасига асос оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил қилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Қорақалпоғистонда Тошкент шаҳридаги 5 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (эндокринология, нейрохирургия, нефрология ва буйрак трансплантацияси, наркология) филиаллари ташкил қилиниб, кадрлар ва керакли тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Аввал ташкил қилин-

ган ихтисослаштирилган тиббий марказлар филиаллари очирилиши натижасида эса 150 турдаги янги даволаш ва диагностика амалиётлари жорий қилинди. Ўтган йили Қорақалпоғистон аҳолисида эндокрин касалликлар билан касалланиш 22 фоизга, сил билан касалланиш даражаси 30 фоизга, онкологик касалликлар билан кеч босқичларда аниқланиши 3 фоизга ва юрак-қон томир касалликлари билан бирламчи касалланиш 3,5 фоизга камайди.

Шунингдек, чет эл жамғармалари ҳисобидан тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Шайх Халифа бин Зайд Ал Наҳаён жамғармаси томонидан умумий қиймати 28 миллион АҚШ долларига тенг 150 ўринга мўлжалланган Нукус шаҳрида Аёллар ва болалар шифохонасини қурилиш ишлари бошланди. Қурилиш ишлари якунлангач, шифохона ўрнатилган тартибда беғараз равишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига берилди. Шошилинич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни таш-

кил этиш мақсадида 3 та (Тўртқўл, Қўнғирот, Чимбой, туманларида) туманлараро қўшма шифокорлик марказларини ташкил қилиниб, зарур тиббий ускуналар билан таъминланди. 2021 йил Инвестиция дастури асосида 8 та объектга 48,3 миллиард сўм маблағ ажратилди, шунингдек, ўтган йил давомида маҳаллий бюджет ва ҳар хил фонд, гранд маблағлари ҳисобидан жаъми 44 миллиард 770 млн сўмлик 1014 дона керакли тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жойларда 15123 минг нафар ижтимоий оғир шароитдаги ногиронлиги бўлган шахслар уйларида мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, тегишли тартибда 14 122 нафари амбулатор, 709 нафари стационар шароитда консерватив ҳамда 83 нафарига жаррохлик амалиёти ўтказилиб, соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, жорий 2021 йилда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан Республика ҳудудида жойлашган шифохоналарда тиббий кўриқдан ўтишди ва стационар шароитда даволаниши учун 7 470 нафар ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган марказий клиника ва шифохоналарга 4 013 нафар фуқаролар имтиёзли ордерлар билан таъминланиб, шундан декабрь ойи давомида 209 нафарига Республика ихтисослашти-

рилган тиббиёт марказларига ордерлар берилган. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида 3 971 шифокор ва 13 755 ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Улар орасида мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами муносабати билан бир қатор фидойи тиббиёт ходимлари II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан, “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” унвони, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги”, “Ардоқли нуроний” ва “Ватан фидоиси” кўкрак нишонлари билан тақдирландилар.

Яна бир қувонарли ҳолат, ўтган йили Қорақалпоғистон тиббиётида илк марта буйрак кўчириб ўтказиш (буйрак трансплантацияси) хирургик амалиёти У. Холмуратов номидаги Республика кўп тармокли тиббиёт марказида амалга оширилди ва йўлга қўйилди. Шунингдек, бугунга қадар амалга оширилмаган туғма гаранглик касаллиги бўлган беморларга кохлеар имплантацияси хирургик амалиёти илк марта муваффақиятли ўтказилди. Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг замонавий инновацион клиникаси ўз фаолиятини бошлади. Қорақалпоғистон тиббиётини жаҳон даражасига олиб чиқиш мақсадида АҚШ ва яна Европада тиббиёт ривожланган Россия, Беларус, Украина каби мамлакатларга соғлиқни сақлаш делегациямиз билан бориб, у ердаги етакчи клиника ва институтлар билан ҳар томонлама муҳим бўлган меморандум ва шартномалар тузиб келдик. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар инсон манфаатларини ҳимоя қилишда, халқимизни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш қўламини кенгайтиришда, аҳоли саломатлиги мустаҳкамлашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шундан келиб, мазкур ва келаси йилларда олдимизга қўйилган юксак вазифа ва мақсадларга эришишимизда биз тиббиёт ходимлари бор куч-гайратимизни аямаймиз.

**Яқинлашиб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар кuni билан юртимиздаги барча аёлларни самимий қутлайман.**

**Мурад ҚУРБАНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИДА

# ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУНДИР

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида тиббиёт тизими асосий ўринни эгаллайди. Зеро, соғлиқни сақлаш талаб даражасида ташкил қилингандагина халқ фаровонлигига эришиш мумкин. Кейинги йилларда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгараётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, миллат саломатлигига ғамхўрлик натижасида фаолиятга қатор янгиликлар жорий қилинмоқда.



Иноят ҲАЖИЕВ,  
Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи



либ, Богот туманида ўрнатилганлиги ҳам аҳоли учун яратилган қулайликлардан бири бўлди. Кўрсатилган шошилич тиббий ёрдам сифати янада яхшиланиб, кейинги беш йилда 100 ортиқ “Тез ёрдам” автотранспортлар харид қилиниб, автотранспорт парк янгиланди, “Тез ёрдам” шохобчалари аҳоли яшаш ҳудудларига яқинлаштирилди ва уларнинг сони 19 тадан 43 тага етказилди. Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. 2022 йил

сани замонавий тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш давом этмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда филиалда аҳолига муносиб тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида қўшимча бино қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Сир эмас, олдинлари кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун Тошкент шаҳрига ёки чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиётдаги ислохотлар натижасида бундай замонавий операциялар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мана, яқинда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари билан ҳамкорликда буйрак кўчириш амалиётлари муваффақиятли ўтказилди. Бундан буён бундай амалиётлар мунтазам давом этади. Шу йил февраль ойида Хоразм вилоят қон қуйиш марказида “Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган беморларни соғламлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан харид қилинган Trima ascel тиббий ускунасида узлуксиз тромбоцитаферез амалиёти йўлга қўйилди. Муассасага тиббий ускуна билан биргаликда 50 та донорга, тромбоцитаферез сеансига мўлжалланган 154 миллион сўмлик сарфлов воситалари ҳам етказиб берилди. Бу ускуна билан бир вақтнинг ўзида донордан қон олиш, қон компонентлари тайёрлаш, қайта қуйиш жараёнлари узлуксиз амалга оширилади. Беморга юқори сифатли, таҳлиллар қилинган тромбоконцентрант маҳсулоти бир соат мобайнида тайёрлаб берилди. Юқоридаги мисоллардан ҳам кўряпмизки, соғлиқни сақлаш тизими жадал ривожланмоқда. Соҳага янги технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Бу эса тиббиёт ходимлари зиммасидаги масъулиятни ҳам оширади. Замон билан ҳамнафас равишда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш масаласи ҳам доимий диққат эътиборимизда. Шу мақсадда хорижий етакчи клиникалари, республика марказидаги илмий-амалий тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Мунтазам равишда илмий-амалий анжуманлар, маҳорат дарслари ташкил қилинмоқда. Вилоятимиз мутахассисларининг ҳам хорижий давлатларда, пойтахтда малака оширишлари, тажриба алмашишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.



Алоҳида таъкидлашим жоизки, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш масаласи илгари сурилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун барча зарур механизмлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида 126 та даволаш профилактика муассасалари фаолият олиб бормоқда. Улар 13 та шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, 11 та марказ, 5 та диспансер ва 2 та шифохона, 1 та клиника, 1 та болалар стоматология поликлиникаси, 70 та оилавий поликлиника, 23 таси оилавий шифокорлик пунктларидир. Ушбу муассасаларда 4 576 шифокор ва 15 457 нафар ўрта тиббий ходимлари фаолият юритиб, халқимиз саломатлигини асрашда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, миллат саломатлигига ғамхўрлик натижасида бирламчи тиббиёт муассасаларидан то ихтисослаштирилган муассасаларгача, янгиланишлар давом этмоқда. Бундан вилоятимиз соғлиқни сақлаш тизими мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Тизимда охириги 5 йилда 98 та муассаса жами 206,7 миллиард сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги 193 та тиббиёт муассасаларига юқори тезликли оптик толали алоқа линияси кириб борди. Компьютер билан таъминланганлик даражаси 2016 йил ҳолатига нисбатан қарийб 4 баробарга ошди. 2021 йилда вилоятимизда Инвестиция дастури доирасида тиббиёт соҳаси объектлари бўйича 54 миллиард 594 миллион

сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. “Обод кишлоқ ва Обод маҳалла” дастурлари бўйича эса 7 миллиард 758 миллион сўм маблағ сарфланиб, 8 та оилавий поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

Тараққиёт стратегиясида бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш кўзда тутилган. Дарҳақиқат, бирламчи тиббий хизмат сифатини яхшилаш орқали аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш, соғлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олишга эришиш мумкин. Ушбу масала давлатимиз раҳбарининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Ўтган даврда кишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил қилиниб, уларда аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, тез ёрдам шохобчалари ва ижтимоий дорихоналар, ҳамда 5 та тор соҳа мутахассисларининг фаолияти йўлга қўйилганлиги аҳоли учун айни муддао бўлди. Бирламчи тиббиёт муассасалари моддий техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги натижасида вилоятимизга 65 та УТТ ва 65 та ЭКГ аппаратлари келтирилиб, бирламчи тиббиёт муассасаларига етказилиб, улар фаолияти янада такомиллашди. Яқинда эса бирламчи муассасаларга 170 дан ортиқ компьютер жамламалари етказиб берилди. Вилоят тиббиёт марказларининг чекка ҳудудларда бўлиб, аҳолининг скрининг текширувдан ўтказиш тизимли йўлга қўйилди. Ҳар шанба куни белгиланган режа асосида тор соҳа мутахассислари маълум ҳудудга ташриф буюриб, оилавий поликлиника ва ши-

фокорлик пунктларида, зарур ҳолларда беморларнинг хонадонларида кўриқлар ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, шу кунларда “Хонадонбай” асосида вилоятдаги ногиронлиги бўлган фуқаролар чуқурлаштирилган тиббий кўриқлардан ўтказилмоқда. Тиббий кўриқлар давомида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг таъбиқ этишга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда. “Саломатлик столлари” ташкил қилиниб, тўғри овқатланиш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар уюштирилмоқда. Аҳолининг турли қатламларини жалб қилган ҳолда пиёда юриш акциялари ташкил қилинмоқда, жисмоний машғулотлар ўтказилмоқда. Бу каби тадбирлардан кўзланган асосий мақсад хасталикларнинг олдини олиш, бирламчи босқичларда аниқлаш, халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилашдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тиббиётни халққа яқинлаштириш, чекка ҳудудлар аҳолисининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар самараси катта бўлмоқда. Ўтган даврда туман тиббиёт бирлашмаларида кардиология, неврология, эндокринология ва травматология йўналишларида ихтисослашган бўлимлар ташкил этилди. Янги диагностик ва даволаш усуллари жорий этилиши натижасида ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш сифати оширилди. Шу ўринда эндиликда ноёб жарроҳлик амалиётлари нафақат вилоят муассасаларида, балки туманларда ҳам йўлга қўйилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2021 йилда 5 та гемодиализ аппаратлари келтири-

арафасида Хоразм вилоят перинатал марказидаги қурилиш-реконструкция ишлари якунланиб, замонавий, барча шарт-шароитларга эга бино фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун 20 миллиард 180 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Перинатал марказ энг сўнги русумдаги қон таҳлиллари аппарати, замонавий лапароскоп ва гистероскоп аппаратлари билан таъминланди. Бу билан бемор аёлларнинг Тошкент шаҳридаги марказларга бориши ва ортиқча оворагарчиликлари, харажат қилишларини олди олинди ва йилига 300 дан зиёд аёлларимизни шу жойнинг ўзида даволаш имконияти яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлардан бири сифатида Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари асосида барча кўп тармоқли поликлиникаларда она ва бола кластерлари, онко-назорат хоналари ташкил қилинганини айтиб ўтиш жоиз. Умуман, кейинги йилларда вилоятимизда онкологик касалликларнинг олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида ёндашилмоқда. Ўтган йили Онкология ва радиология республика илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали нур терапияси йўлга қўйилган эди. Муасса-

Хулоса ўринда айтишим жоизки, Президентимиз таъкидланганларидек, инсон қадри ва унинг саломатлиги олий неъмат эканлиги ҳар бир тиббиёт ходимининг эзгу мақсадларига айланиши айни ҳақиқатдир. Шундай экан, вилоятимиздаги тиббиёт ходимлари халқимиз саломатлиги йўлида касбларига садоқат билан астойдил меҳнат қилишларига ишончим комил. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларимизни баҳор айёми ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлаб қоламан.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# ТОМЧИДЕК ҚАЛҚИБ ТУРГАН ЮРАКНИ АСРАНГ!!!

Хизмат сафаримиз давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиалига ташриф буюрганимизда, унинг гўзал табиати кайфиятимизни кўтарди.



Бино ичкарасига кирар эканмиз, ўзида замонавийликни кашф этган бўлимлардаги шароит ва имкониятлар, қолаверса, ноёб аппаратуралар, шунингдек, малакали кадрларнинг иш фаолиятларини кўриб, мамлакатимиз тиббиёти хорижий давлатлар тиббиётидан қолмаслигига амин бўлдик. Кунни кеча ўзининг 30 йиллик тарихига эга бўлган мазкур филиалнинг фаолиятига ойдинлик киритиш мақсадида **филиал директори Анвар Сагиров билан суҳбатда бўлдик.**

– Айтишимиз жонизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тиббиёт тизими ва халқимиз саломатлигига қаратган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли соҳада кўплаб муваффақиятлар кўлга киритилмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, Давлатмиз раҳбарининг ҳар бир соҳа йўналишига жиддий ёндашувлари тизимдаги муаммолар ечимини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар муассасмиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, вилоят кардиология диспансери 1991 йил 100 ўринга мўжаллаб ташкил қилинган. 1996 йилда вилоят клиник шифохонасида кардиохирургия бўлими очилган, сўнгра 2010 йилда вилоят кардиология марказига кўчирилди. 2018 йилдан 15 ўринли болалар кардиохирургияси бўлими фаолият бошлади. Марказ бугунги кунда 115 ўринли бўлиб, 80 та ўрин 3 та кардиология, 15 та ўрин ЮИК ва орттирилган юрак нуксонлари кардиохирургияси, 15 ўринли болалар кардиохирургияси, 5

ўрин интервенцион кардиология, 75 қатновга мўжалланган поликлиника бўлимларидан иборат. 2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразмга ташрифи давомида марказимиз келиб, болалар кардиохирургияси бўлими ва янги поликлиника биносини куриш тақдирини берган эди. Ҳозирги кунда 15 ўринли болалар кардиохирургияси бўлими фаолият кўрсатапти. Янги поликлиникага йилига 27 000 аҳоли кардиологик тиббий хиз-



мат учун мурожаат қилмоқда. Стационар шароитда даволанувчи беморлар сони 3500 дан 4600 гача ошди. 2017 йил марказга ангиограф аппарати ўрнатилди, йилига 2 000 га яқин беморга коронароангиография ва коронар периферик артерияларни стентлаш, аорта коронар шунтлаш, чап қоринча аневризмаси резекцияси ва пластикаси, клапанларда реконструктив-клапан сакловчи операциялар, ЮИКда гибрид операциялар, Аорта коронар шунтлаш билан бирга клапан про-

тезлаш, аорта аневризмаси ва аорта ажралишида протезлаш, туғма юрак нуксонларини ноинвазив окклюдер билан беркитиш каби юқори технологик даволаш усуллари амалиётга татбиқ қилинди. Марказда ўтказиладиган операция турлари 43 дан 67 га кўпайтирилди.

Марказимизда «Болалар кардиохирургияси» бўлими очилиши билан «Туғма юрак нуксони» ташхиси билан операция қилинадиган беморлар сони йилдан – йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2018 йилгача ҳар йили ўртача 50-70 нафар бемор операция қилин-



ташрифи давомида ва фуқаролар иштирокида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, шунингдек, Оролбўйи ҳудуди аҳолисига кардиология ва кардиохирургия тиббиёт хизматларини кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида 2021 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этиш тўғрисида” 677-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Урганч филиали негизда Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон тиббиёти бугун жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Фахр билан айтиш жонизки, юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, замонавий шифо масканларининг янги қиёфаси, янги технологияларнинг мавжудлиги ҳамда малакали кадрларнинг маҳорат, тажриба ва амалиётлари халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириб юртимиз аҳлини мамнун этмоқда, десам, муболаға бўлмайди.

Барчамизга кўтаринки кайфият бағишлаётган баҳорнинг илк кунлари муборак бўлсин. Шунингдек, айёлларимизнинг нафосатли байрами 8 Март билан мунис онажонларимиз ва опа-сингилларимизни самимий қутлаб қоламан.

Суҳбатдош: Ибодат СОАТОВА, журналист

## РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Барча аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайди!

*Аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор! Инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-бирдан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баърака киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Уларни байрам билан яна бир бор қутлаб, оилаларига тинчлик, хотиржамлик, соғлиқ-омонлик тилаб қолади.*






САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# ИНСОН ҚАДРИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН УСТУНДИР

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор ва гамхўрликни қанчалар эътироф этсакда озлик қилади. Чунки уларнинг эзгу мақсадлари инсон қадри, унинг саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилганлигидан алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, Юртбошимиз қайси бир ҳудудда бўлсалар, албатта, аҳоли билан учрашиб, очикдан-очик мулоқот қилмоқдалар.



Аввало, ёш мутахассис сифатида айтишим жоизки, кейинги йилларда тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Шу ўринда айтишим муҳимки, Ўзбекистон тиббиётининг бу даражада ривожланиб бораётганлиги албатта, Давлатимиз раҳбарининг тизим фаолиятига жиддий ёндошувлари ташаббус ва таклифлари асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда десам, хато бўлмайди. Айниқса, тизимнинг ҳар бир йўналиши бўйича Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг туб замирида инсон саломатлиги, кадр-қиммати ва турмуш фаровонлигини мужассам эканлигини кўрамиз. Биз ёш шифокорларнинг мамнунлигимиз шундаки, фаолият юритишимиз учун тиббиёт масканларида барча шароит ва имкониятлар кенг яратилган. Шунингдек, давлатимиз томонидан меҳнатларимиз қўллаб-қувватланмоқда. Мана 6 йилдирки, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида интервенцион кардиолог бўлиб ишлаб келмоқдаман. Юртбошимизнинг асосий мақсадларидан бири аҳолига ихтисослашган юқори технологик тиббий ёрдамни ҳудудларни ўзида беморларга кўрсатишдан иборат бўлиб, бу борада меъёрий-ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан “Саломатлик кунлари” акцияси доирасида энг чекка ҳудудларда яшовчи, марказда даволанишга имконияти бўлмаган фуқароларга ўша ернинг ўзида тиббий хизмат кўрсатиш лойиҳаси олиб борилмоқда. Ана шундай акция Қорқалпоғистон Республикасида ҳам бўлиб ўтмоқда. Ушбу акцияда мен ҳам иштирок этиб, ўз ҳиссамни Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорқалпоғистон Республикаси минтақавий филиалида юқори технологик жаррохлик амалиётларини маҳаллий шифокорлар билан биргаликда амалга оширдим. Сафаримиздан асосий мақсад эҳтиёжманд аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатиладиган малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш. Беморлар орасида кўп йиллардан буён юрак ишемик касаллигининг барча турлари, стабил стенокардиядан тортиб то миокард инфарктининг оғир турлари билан оғирган беморлар кўп учрайди, медикаментоз дори-дармонлар кам самара беради, операция қилдиришга имкониятлари йўқ, оилавий етишмовчилик ва муҳтожлик сабабли йиллар даво-

амалиёти бажарилди. Операциядан сўнг ўзимни жуда енгил ҳис этдим, қўйганини сезмай ҳам қолдим, қўллари дард кўрмасин енгил шифокорлар эканлар. Олдинги мени қийнаётган дардан ҳолис бўлдим. Шифокорларга, уларнинг ота-онасига, устозларига катта раҳмат айтаман. Шуниси қувончлики, амалиёт бепул ўтказилди. Биринчи навбатда Президентимиздан, қолаверса, малакали ва маҳоратли тиббиёт ходимларидан, буларни ташкил қилганлардан ҳам мингдан-миг розиман. Худойим берган умримнинг борица сизлар учун дуодаман!

**Бахит КАМАЛОВ,**  
Нукус шаҳри, бемор:

— Юрак қон-томир касалликлари ёш танламас экан. Кейинги йилларда юрагим соҳасидаги оғриқлар безовта қила бошлади. Тўйиб овқат есам, тезроқ юрсам кўкрак қафасимдаги оғриқлар сабабли қийналиб юрардим. Тиббий кўриқлардан ўтгач, менда юрак ишемик касаллиги борлиги аниқланди. Бир неча бор тиббиёт муассасаларида стационар даволандим. Лекин кутилган натижа бўлмади. Қон босимим ошиб, юрак хуружлари тез-тез безовта қиладиган бўлди. Даволовчи шифокорларим пойтахтга бориб операция қилиш зарурлигини бир неча бор айтишди. Оилам билан маслаҳатлашдим. Минг афсуски, марказга пойтахтга бориш ва амалиётни бажариш учун оилавий иқтисодим тўғри келмаслиги кўнглимни чўқтирди. Кейинчалик борарман деб, ишимни давом эттириб, маблаг йига бошладим. Оллоҳга шукр-ким, камтаъминланган ва эҳтиёжманд оилалар учун давлатимиз томонидан яратилган шароитлардан баҳраманд бўлиш менга ҳам насиб этди. Яқинда “Саломатлик кунлари” акциясида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказининг Нукус ҳудудий филиалида пойтахтимизнинг юқори малакали интервенцион кардиолог Бахтиёр Ражаббоевич Атамуратов ва маҳаллий шифокорларимиз томонидан юрагимга стентлаш амалиётини ўзим кутганимдан ҳам муваффақиятли бажаришди. Амалиётдан сўнг ўзимни жуда яхши ҳис қиларман. Шунингдек, Оллоҳимга шукрлар бўлсинки юрагим соҳасидаги оғриқлар бартараф бўлди, қон босимим меъёрлашди, хуруж пайтида бу дарддан қачон қутуларканман деб ўйлардим. Энг муҳими, давлат бюджетидан ажратилган маблаг ҳисобидан бепул операция қилиндим.

**Ибодат СОАТОВА,**  
журналист.

**Бахтиёр АТАМУРАТОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Рентгендиоваскуляр жаррохлик бўлими интервенцион кардиолог:



— Юрак-қон томир касаллигига статистика бўйича кекса ёшдаги эркакларнинг тенг ярми ва аёлларнинг учдан бирида учрайди, охириги маълумотларга қараганда ёшларда ҳам кўп учрайди. Юрак ишемияси узок вақтгача билинмасдан кечиши ва кенг қўламдаги инфарктга олиб келиб, ўлим билан яқунланиши мумкин. Юрак ишемиясининг турли шаклларида ўлим асорати 30 фоизини ташкил этади. Бутун дунёда бўлгани каби Қорқалпоғистон Республикасида яшовчи аҳоли орасида ҳам юрак-қон томир касалликлари кенг тарқалган. Бунга тобора ўзгариб бораётган табиий иқлим, яшаш шароити таъсир қилади. Коронарография - юрак ишемик касаллигининг асосий диагностикасида олтин стандар ҳисобланади. Бу текширувда коронар артерияларнинг торайиш жойи, даражаси, диаметри, узунлиги, атеросклеротик бляшка харатери аниқ ифодаланади. Текширув ҳулосасига қараб беморларда медикаментоз даволаш, стентлаш, аорта-коронар шунтлаш амалиётлари тавсия қилинади.

Қилинган амалиётлардан асосий мақсад, инфаркт миокарднинг эрта босқичларида аниқлаш, инфаркт миокарднинг босқичларини, ўлим кўрсаткичинини, ногиронлигини камайтириш, қайта инфаркт бўлишини олдини олиш, қайта госпитализация бўлишини камайтиришдир.

Хизмат сафарида бўлганимизда, халқимиз бугунги тиббиётимиздан, қолаверса, Давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги борасидаги яратиб бераётган кенг имкониятлардан мамнун эканликларини самимий эътироф этмоқдалар. Кунги кеча Қорқалпоғистон Республикаси тиббиёт муассасаларида бўлганимизда у ерда фаолият кўрсатаётган тиббиётнинг барча ходимлари, шифокорлардан тортиб кичик тиббий ходимларигача, беморлар бу каби эзгуликлардан хурсандликларини изҳор қилдилар. Қорқалпоғистон Республикасига хизмат сафари учун отланганимизда, режаларим каторида Президентимизнинг 2021 йил 19 ноябрдаги “Қорқалпоғистон Республикасида ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Нукус ҳудудий филиалига ташриф буюрдим. Муассасага кириб борар эканман, “Саломатлик кунлари” акцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдим. У ерда пойтахтимиздан ташриф буюрган интервенцион кардиолог ва маҳаллий мутахассислар иштирокида ангиограф аппарати ёрдамида маҳорат дарслари ўтказилаётган экан. Маҳорат дарслари давомида беморларга юракнинг зарарланган коронар тож томирларига мураккаб стентлаш амалиётларини бажаришаётган эканлар. Операция жараёнларини кузатар эканман, тиббиёт ходимларининг ўта маъсулият, юқори тажриба ва маҳорат билан амалиётни бажараётганликларини кўриб, халқимиз бахтига доимо омон бўлинглар, дегим келди. Ниҳоят, операция муваффақиятли амалга оширилди... Бир инсон ҳаёти хавфдан холи бўлди.

Операцияни амалга оширган тиббиёт ходимлари билан суҳбатда бўлдим.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти ташаббуси билан Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 338-сонли буйруғига асосан ташкил қилинган бўлиб, 2007 йилдан ўз фаолиятини бошлаган.



Хоразм вилояти аҳолисига ҳамда қўшни вилоятларга юқори малакали ихтисослаштирилган урологик тиббий хизмат кўрсатади. Вилоятда 11 та туман ва 2 та шаҳарда уролог хоналари ташкил қилинган ва урологлар билан таъминланган. Бундан ташқари РШТЎИМ Хоразм филиалида 10 та ўрин, ВКТТМ да 15 та ўрин ҳамда Хива ТТБ да 20 та ўриндан иборат урологик стационар ўринлар мавжуд. Вилоятда марказ билан биргалликда жами 47 нафар уролог аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Аҳолига юқори малакали урологик тиббий хизматни яхшилаш мақсадида мунтазам равишда Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази билан тасдиқланган режа асосида туманларда режали тиббий-кўриклар олиб борилмоқда. 2020 йилда режа асосида барча туманларда 661 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилган бўлиб, шулардан: жами урологик касалликлар – 374 та, шундан сийдик тош касаллиги (СТК) – 143 та простата беши хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) - 57 та, сийдик йўллари инфекцияси (СИИ)-101 та, бошқа аниқланган урологик касалликлар -73 та тани ташкил қилади. Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали 50 та койкадан иборат бўлиб, 80 фоизи пуллик асосида, 20 фоизи бюджет ҳисобига юқори малакали ихтисослаштирилган урологик тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказда қабул ва диагностика бўлими 100 та қатновга мўлжалланган, 20 та ўринга эга 1-урология бўлими, 30 та ўринга эга 2 та урология бўлими ҳамда 6 та интенсив ўриндан иборат реанимация ва жарроҳлик бўлими фаолият кўрсатади. Марказда фаолият олиб бораётган 122 та ишчи ходимдан 21 таси шифокор, 58 та ҳамшира, 28 та кичик тиббий ходим ҳамда 15 нафари маъмурият ва хўжалик ишлари

доуролгик амалиётлар йўлга қўйилган бўлса ҳам анъанавий амалиётларга нисбатан эндоурологик амалиётларнинг нисбати 70-30 фоизга тўғри келган. Ҳозирги вақтга келиб мунтазам изланишлар натижасида анъанавий жарроҳлик амалиётларнинг юқори технологик каминвазив эндоурологик амалиётларга нисбати 21,3-78,7 фоизни ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси 2015 йилда вилоятимизда бўлиб ўтган “Орол бўйи муаммоларини бартараф қилиш” Халқаро конференцияси натижасида Туркиянинг ТИКА ташкилоти томонидан 2017 йилда марказимизга 2 миллиард 849 миллион 749 минг сўмлик беғараз ёрдами эвазига олиб келинган юқори технологик урологик асбоб-ускуналар ўрнатилиши натижасининг самарасидир. Бундан ташқари ички имкониятлардан келиб чиқиб, ички маблағлар ҳисобига 48 минг АҚШ долларлик тиббий асбоб-ускуналар сотиб



ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларга ҳар ойда 37 та (407 бемор) имтиёзли йўлланма тарқатилиб, уларни марказимизда бепул даволаниши олиб борилмоқда. Бундан ташқари Республикага 2020 йилнинг 12 ойи давомида 63 та стационар, 20 та

даволаш учун сийдикнинг рН муҳитини аниқлаш усули яъни р Нметрия, шу қаторда эркаларда учрайдиган простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши саратонини эрта босқичларида аниқлаш учун урофлотметрия ҳамда қондаги ПСА текширувларни туманлар кесимида ташкил қилиш. Марказимизга КФИЭР томонидан грант асосида МСКТ ҳамда эндоурологик асбоб-ускуналар ажратилиши муносабати билан филиалимизга қўшимча бино қуриш. Филиалимизга 2006 йилда қўлбола усулда тайёрланган лифт ўрнатилган бўлиб, мунтазам равишда таъмир талаб ҳолатда. Шуни эътиборга олиб, марказни замонавий лифт билан таъминлаш. Марказимизда ҳозирги кунда простата беши хавфсиз гиперплазияси касаллигида безнинг оғирлиги 30-60 граммгача бўлган ҳажмдагиларида трансуретрал резекция амалиётлари бажарилмоқда, лекин HoLLEP усулида ундан ҳам катта ҳажмдаги простата беши аденомаси трансуретрал резекция амалиётларини амалга ошириш учун марселлятор аппарати билан таъминлаш. Хива туман тиббиёт бирлашмасидаги бюджет ҳисобида турган 20 та урологик ўрин фақат терапевтик ва эски усулда қилинадиган жарроҳлик амалиётлари бажарилишини ҳисобга олиб, ушбу бюджет ҳисобидаги 20 та ўринни марказимизга ўтказиш ҳисобига тунги шойлинка кам инвазив юқори технологик амалиётлар бажариладиган урологик хизматни ташкил қилиш.



ҳодимларидан иборатдир. **13 та уролог шифокордан 6 таси олий тонфали, 6 таси 1-тонфали, 5 таси 2 тонфали, қолган 5 таси тонфасиз малакасига эга.** Марказга 2019 йил давомида 22 547 нафар фуқаро мурожаат қилиб, шулардан 2 491 таси стационар шароитда ётиб даволанган. Бу кўрсаткич 2020 йилда пандемия бўлишига қарамадан 20 338 та мурожаатни ташкил қилган. Шулардан 1 965 таси стационарда даволанган. 2020 йилда 1 758 та жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, шундан 374 таси анъанавий 21,3 фоизни, 1 384 таси юқори технологик каминвазив эндоурологик амалиётлар бўлиб, 78,7 фоизни ташкил қилади. 2019 йилда эса ушбу жарроҳлик амалиётлари 1 705 тани ташкил қилиб, шундан анъанавий амалиётлар 442 та (26 фоиз), юқори технологик каминвазив эндоурологик амалиётлар 1263 тадан иборат бўлиб, 74 фоизни ташкил қилган, юқори технологик каминвазив эндоурологик амалиётларни олдинги йилга нисбатан 4,7 фоизга ошган. Марказда 2007 йиллардан бошлаб каминвазив эн-

олинди ва қайта таъмирланди. Натижада марказда амалга оширилладиган юқори технологик каминвазив эндоурологик амалиётлар сони 67 та ташкил қилиб, амалиёт фаоллиги 78,7 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда филиалимизда Республика миқёсида қилинадиган барча амалиётлар амалга оширилиб келинмоқда. Яъни, буйрақлардаги кораллсимон тошлар ва сийдик найи тошларини юқори технологик каминвазив эндоурологик усулда олиш, буйрак ва сийдик ажратиш тизимидаги лапороскопик жарроҳлик амалиётлари, сийдик найида ва сийдик чиқарув каналида пластик амалиётлар, эркаларда учрайдиган простата беши хавфсиз гиперплазиясида трансуретрал резекция амалиётлари бажарилиб келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси филиалимиздаги шифокорларнинг Корея Республикасида, Хитой Халқ Республикасида, Россия Федерациясида, Ҳиндистон давлатида ўқиб малака ошириб келганликларининг самарасидир. Мунтазам равишда вилоятимиздаги ногиронлиги бор, кам таъминланган, нафақадаги

амбулатор имтиёзли йўлланма олинган бўлсада, Республикага 30 та стационар даволаниш учун бемор юборилган, умуман амбулатор бемор юборилмаган, чунки барча текширувлар ўзимизда мавжуд. 2021 йилнинг 9 ойи давомида Республикага 35 та бемор имтиёзли даволаниш учун юборилган. Булар ҳам ҳозирги кунда ўзимизда амалга оширилиши қийин бўлган мурракаб жарроҳлик амалиётлари ҳисобига.

Албатта, эришилган натижалар қаторида муаммолар ҳам йўқ эмас. Келгусида куйидаги вазифаларни амалга оширсак, фаолиятимиздаги самарадорлик янада ошади ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланади. Вилоятимизда энг кўп учрайдиган касалликлардан сийдик тош касаллигини (СТК) эрта аниқлаш ва асоратларсиз

**Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлаб қоламан.**

**Жўрабек ЖУМАНИЯЗОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали директори.



МУНОСАБАТ: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги “Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори соҳада туб бурилишларни бошлаб бермоқда.



Қарорда таъкидланганидек, эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Қарорга кўра, аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдамнинг самарали ҳамда замонавий тизimini шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифатини ҳамда ушбу йўналишдаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш дастурлари амалиётга татбиқ этилади. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели жорий этилади. Қарор билан, шунингдек, 2022-2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Ҳар йили камида бир марта 40 ёшдан ошган аҳоли қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари учун мақсадли скринингдан ўтказилади ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган беморлар билан мунтазам алоқа ўрнатилиши белгиланди. Қарорда бошқа бир қатор долзарб вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт муассасамизда тизимли ишлар бошлаб юборилди.

Маълумки, вилоят эндокринология диспансери 1973 йилда алоҳида 60 ўринли ши-



фоҳона сифатида янгидан ташкил этилган. 1992 йилда шифоҳона қуввати 100 ўринга етказилган. 2014-2015 йилларда Инвестиция дастурига асосан биринчи ва иккинчи даволаш бинолари қурилиши ва реконструкция ишлари амалга оширилган. Бугунги кунда Хоразм вилояти эндокринология маркази 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, кунига 150 қатновга мўлжалланган поликлиника, ҳар бири 25 ўринли диabetология, диабетик нефрология, умумий эндокринология ва болалар, хирургия ва тиреоид патология (операцион блок билан) бўлимлари, шунингдек, 6 ўринли анестезиология ва реанимация, лаборатория бўлимлари фаолият кўрсатади. Вилоятимиз бўйича марказимиздан ташқари 13 та шаҳар ва туманлар кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг 29 та эндокринолог хоналари хизмат кўрсатмоқда. 2021 йилдан барча шаҳар ва туманлар марказий шифоҳоналари таркибида жами 88 та ўрин эндокрин касалликларни даволаш учун бириктирилди. Бугунги кунда вилоятда жами 64 нафар эндокринолог мутахассис, шундан 37 нафари туман ва шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларида фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг соҳага бўлган эътиборлари натижа-

сида ҳудудларда аҳолини эндокринолог мутахассисларга бўлган таъминотини янада яхшилаш мақсадида ҳар 30 000 аҳолига 1 нафар мутахассис штати ажратилди (олдинлари ҳар 100 000 нафар аҳолига 1 нафар эндокринолог эди). Натижада аҳолига кўрсатилаётган эндокринология хизмати сифат ва самарадорлиги сезиларли даражада оширилди. Кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шифокор ва ҳамшираларимиз республика марказида малака оширишлари учун барча имкониятлар яратилган. 4 нафар мутахассис долзарб мавзуларда илмий изланишларни бошлаб юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4295-сонли қарори асосида 2019-2020 йилларда вилоят эндокринология диспансери моддий-техник базаси тўлиқ янгиланди ва 515 минг АҚШ доллари эвазига энг замонавий лаборатория, офтальмология, кардиология, хирургия, реанимация ва стерилизация асбоб ускуналари билан жиҳозланди. Лаборатория бўлимида илгарилари жами 42 турдаги таҳлил ўтказилган бўлса, янги жиҳозлар билан таъминланиши натижасида бугунги кунда 212 турдаги, шундан 111 турдаги гармонал, 40 турдаги биохимик, 25 турдаги

гематологик таҳлил ўтказиш имконияти пайдо бўлди. 2020 йилгача диспансерда 2 та (УТТ ва ЭКГ) инструментал текширув имконияти мавжуд эди. Бугунги кунда янги замонавий офтальмологик, кардиологик ускуналар билан жиҳозланиш ҳисобига улар сони 10 тадан ошди. Вилоятда 7000 га яқин бемор инсулин дори воситасини қабул қилади. Уларнинг инсулинга эҳтиёжи юз фоиз давлат бюджети маблағлари ҳисобига марказлашган тарзда таъминланмоқда.

18 ёшгача бўлган болалар 2019-2020 йиллардан бошлаб марказлашган тарзда тўлиқ аналог инсулин препаратлари билан таъминлаб келинмоқда. 2020 йилда 2082 та, 2021 йилда 3150 та аналог инсулинлар келтирилиб тарқатилди. Президентимизнинг 2022 йил 26 январдаги қарори билан жорий йилдан 25 ёшгача бўлган беморларимиз ҳам аналог инсулинлар билан таъминланиши белгиланди. Бундан ташқари, 2022 йилдан республикамизда истикомат қилувчи ўсиш гармони етишмовчилиги касаллиги билан оғриган болалар самототроп гармони билан ҳамда қандсиз диабет билан касалланган беморлар десмопрессин дори воситаси билан марказлашган тарзда бюджет маблағлари ҳисобидан

беғул таъминланиши йўлга қўйилади.

Мазкур қарор билан жорий йилдан 2-тур қандли диабет билан оғриган кам таъминланган оилаларга мансуб беморларни бюджет маблағлари ҳисобидан метформин дори воситаси билан беғул таъминлаш белгилаб қўйилди. 2021 йилда Хоразм вилоятида қандли диабет билан рўйхатда турган 18 ёшгача бўлган 197 нафар 18 ёшгача болалар республика бюджети томонидан ўз-ўзини назорат қилиш воситалари, яъни глюкометрлар ҳамда тест япроқчалари билан беғул таъминланди. Диспансеримизда 2021 йилда 4 500 га яқин бемор стационар даволанди. Поликлиника бўлимига 2020 йилда 47289 мурожаат бўлган бўлса, мурожаатлар сони 2021 йилда 60 453 тани ташкил қилди. 2021 йилдан барча туман ва шаҳар марказий шифоҳоналари таркибидаги терапия бўлими 5-10 фоиз шифо ўринлар эндокрин беморларни даволаш учун ажратилди ва уларда 2698 нафар бемор даволанди. Қалқонсимон без хирургияси ривожлантирилиши эвазига 2019 йилда жами 160 нафар беморда амалиёт бажарилган бўлса 2021 йилда 313 та амалиёт бажарилиб оператив фаоллик 2 баробардан ошди. Ҳозирда вилоятда қалқонсимон бездаги барча жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилиб, беморларнинг Тошкент шаҳрига боришларига ҳожат қолмади.

Тошкент шаҳаридаги марказга 2019 йил давомида 132 нафар бемор йўлланма билан юборилган бўлса, 2021 йилда 63 нафар бемор йўлланма билан юборилди. 2021 йил 1 октябр ойдан бошлаб электрон йўлланма жорий қилиниб 7 нафар бемор марказга тавсия қилинди. Йўлланма берилган беморлар вилоят даражасида даволаш имконияти йўқ ва юқори технологик операцияларни талаб қилувчи бош ми-ядаги ўсма касалликларидир.



МУНОСАБАТ: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Юқоридаги қарорда аҳоли орасида эндокрин касалликлар, жумладан қандли диабетнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ҳамда аниқланган беморларни соғломлаштиришни самарали ташкил этиш вазифаси белги-ланган. Шундан келиб чиқиб жорий йилнинг апрель ойидан вилоятнинг барча ҳудудларида 40 ёшдан ошган аҳолини йилда бир марта скрининг текширувларини самарали ташкил этиш ишлари бошланади. Бунинг учун вилоятдаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида ташкил этилган барча (660 та) “Тиббий бригадалар”ни тўлиқ глюкометр ва тест япроқчалари билан тиббиёт муассасаларини лаборатория реактивлари ҳамда анжомлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳудудлардаги барча (29 та) эндокринологлар хоналарини жиҳозлаш, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, ОП ва ОШПларда ҳамшира кўриги хоналари ташкил этиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

2022 йилнинг январь ойида Хоразм вилояти эндокринология диспансери мутахассислари томонидан вилоятдаги барча оилавий шифокорлар эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва уларга тиббий хизматни ташкил этиш бўйича, туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари лаборант шифокорлари қонда гликирланган гемоглобинни аниқлаш ҳамда қалқонсимон без гармонларини аниқлаш бўйича қисқа амалий курсларда ўқитилди. Туманлар эндокрино-

лог хоналари ҳамширалари учун “Ўз-Ўзини назорат қилиш мактаби” фаолиятини олиб бориш бўйича семинарлар ташкил этилди. Республика ихтисослаштирилган Эндокринология маркази мутахассислари томонидан вилоятда мутахассислар учун маҳорат дарслари ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, 26-29 январь кунлари марказ профессорлари томонидан 80 нафарга яқин бемор кўридан ўтказилиб, мураккаб операцияларга муҳтож 12 нафар бемор вилоятнинг ўзида операция қилинди.

Келгусида бу каби амалиётлар кўламини янада ошириш, мутахассисларни мунтазам вилоятга ташрифларини йўлга қўйиш орқали беморларни Тошкент шаҳрига овра бўлиб боришларини олдини олиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида, вилоят эндокринология диспансерида қандли диабет асоратларини хирургик ва реконструктив-тиқловчи операциялар орқали даволаш бўлими фаолиятини йўлга қўйиш кўплаб беморларни вилоятнинг ўзида даволаш имконини беради.

Вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетдан қалқонсимон без касалликларини олдини олиш мақсадида хавф гуруҳига кирувчи болалар ва ўсмирлар, ҳомиладор аёллар ҳамда эмизикли аёлларни йод препаратлари билан таъминлаш, қалқонсимон без гармонларини аниқлаш учун реактивлар ҳамда қонда гликирланган гемоглобинни аниқлаш учун туман ва шаҳар тиббиёт

бирлашмаларига 600 миллион сўм, вилоят эндокринология диспансери жорий таъмирлаш ишларига 300 миллион сўм маблағ ажратилди. 2022-2023 йилларда вилоят эндокринология қандли диабет асоратларини хирургик ва реконструктив даволаш бўлими, поликлиника ва нур диагностика бўлимлари ҳамда ТТА Урганч филиали талабалари амалий ўташлари учун шароитлар яратиш мақсадида янгидан 6 миллиард сўм маблағ эвазига диспансерида барча талабларга жавоб берадиган янги бино қурилишини амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, истикболдаги режаларимиз қуйидагилардан иборат. Жумладан, вилоят эндокринология диспансерида замонавий талабларга жавоб берадиган поликлиника, қабул диагностика, лаборатория ва қандли диабет асоратларини хирургик ва реконструктив-тиқловчи операциялар орқали даволашга мўлжалланган бўлимлар учун янги бино қуриш. Қандли диабет асоратларини хирургик ва реконструктив-тиқловчи операциялар орқали даволашга мўлжалланган бўлим фаолиятини ташкил этиш ҳамда периферик томирлар ўтказувчанлигини аниқлаш ва очиш каби янги мураккаб текшириш ва доволаш усулларини жорий этиш. Вилоят эндокринология диспансерида нур (МСКТ, рентгенография) диагностика бўлими фаолиятини ташкил этиш ва замонавий ускуналар билан таъминлаш. Аҳолига малакали репродуктив эндокринология хизматини таш-

кил этиш мақсадида вилоят эндокринология диспансерида репродуктив эндокринолог мутахассисини тайёрлаш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш. Ҳудудларда аҳоли орасида яширин қандли диабет касаллигини аниқлаш ва беморларда даволаш самарадорлигининг мониторингини олиб бориш мақсадида вилоятдаги барча 13 та шаҳар ва туманлар кўп тармоқли марказий поликлиникалари лабораторияларини қонда гликирланган гемоглобинни аниқлаш реактивлари билан таъминлаш. Ҳудудларда аҳоли орасида 40 ёшдан ошган аҳолини йилда бир марта скрининг текширувларини самарали ташкил этиш, бунинг учун вилоятдаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида ташкил этилган 660 та “Тиббий бригадалар”ни тўлиқ глюкометр ва тест япроқчалари билан таъминлаш. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида лаборатория хизматлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида лаборатория хизматларини етарли миқдорда тиббий буюмлар, реактив ва сарфлов материаллари билан таъминлаш. Янгибозор, Шовот, Тупроққалъа туманлари ва Хива шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари лаборатори-

яларини қалқонсимон без гормонларини аниқлаш учун ИФА анализаторлари ҳамда реактивлари билан таъминлаш. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида фаолият кўрсатаётган оилавий шифокорларнинг билим ва касбий кўникмаларини ошириш мақсадида вилоятдаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида фаолият кўрсатаётган 705 нафар оилавий шифокорларнинг эндокрин касалликларини эрта аниқлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш. Вилоятнинг барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида вакант ўринлар мавжуд бўлган Боғот, Гурлан, Урганч, Ҳазорасп, Хонқа, Хива, Тупроққалъа туманлари учун, жами 7 нафар катталар ва 4 нафар болалар эндокринолог мутахассисларини 3,5 ойлик курсларда ўқитиш орқали қайта тайёрлаш.

Хулоса ўрнида айтишимиз жозиб, сохага оид қабул қилинаётган ҳар бир меъёрий-ҳужжатлар замирида инсон саломатлигининг мужассамлиги тиббиёт ходимларини янада масъулият билан ишлашга ундаши шубҳасиз. Шундай экан, асосий вазифамиз аҳоли саломатлигини асрашдек эзгу мақсадларга қаратилган экан, бу борада астойдил меҳнат қилишга ҳаракат қиламиз.

**Фурсатдан фойдаланиб, меҳрибон онажонларимиз ва опа-сингилларимизни гўзаллик айёми билан чин қалбимдан қутлаб қоламан.**

**Ғайрат ҒАЙИБОВ,**  
Хоразм вилояти эндокринология диспансери бош шифокори.

ДИЛ ИЗҲОРИ

## “ЭНДИ ЯНА ЮРА ОЛАМАН...”

**Танасидаги оғриқлардан ох чекиб, дардига дармон томоплмай, шифтга ноумид термулиб ётган оғир беморлар, афсуски, орамизда бор.**

Уларнинг баъзилари яқка-ёлғиз, яқинларидан Мосуво, яна айримлари эса тиббиётнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, энг етакчи тиббиёт марказларида даволанишга имконсиз.

Бугун шундай эҳтиёжманд беморларни давлатимиз ўз қанотида олмақда. Барча куч ва имкониятларни ишга солиб, уларнинг саломатлигини тиклаш чораларини кўряпти.

Қорақалпоғистон Республикасида давом этаётган “Саломатлик кунлари” акцияси айни шу мақсадларни кўзда тутди. Минтақада ўтказилаётган юқори технологик операцияларга Республика ихтисослаштирилган тиббиёт мар-

казларидан келган энг малакали жарроҳлар бошчилик қилмоқда.

Олти йил аввал оёғим каттик жароҳатланган эди. Аввалига Нукусда режали асосда даволаниб юрдим. Лекин касаллик барибир ўз асоратларини кўрсатди. Оқибатда юролмай, тўшакка миҳланиб қолгандим.

Шифокорлар “Сизда эндопротезлаш амалиётини ўтказиш керак, бунинг учун пойтахтга боришингиз зарур” деб бир неча бор тавсия беришди. Аммо сўраб-суриштирсам, бу жуда мураккаб ва қиммат операция экан.

Шундай оғир дамларимда “Саломатлик кунлари” акцияси

ўтказилишини эшитиб, умидим яна жонланди. Ниҳоят Нукус шаҳридаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг травматология бўлимига таклиф қилишди.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказидан келган энг малакали шифокорлар мени тиббий кўриқдан ўтказиб, жарроҳлик столига ётқизишди. Эндопротезлаш операцияси муваффақиятли ўтди. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қиляпман.

Шифокорларнинг ишонч билан айтишича, тез кунларда жароҳатлар ўрни бутунлай тузалиб, оёққа туриб кетар эканман. Яна аввалигидек мустақил қадам боса олишимни ўйласам, энтикиб кетяпман. Бундан яқинларимнинг ҳам боши осмонда.



**Давлат мени бунул даволади. Ёлғизлатиб қўймади. Худди қайта туғилгандекман. Юртимизда инсон қадрини қилинаётган ишлар шунчаки баландпарвоз гаплар эмаслигини ич-ичимдан ҳис қилдим.**

**Бибисора АМЕТОВА,**  
Нукус шаҳри.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН: БУХОРО ВИЛОЯТИ

# ХАЛҚНИНГ РОЗИЛИГИ ТАШАББУСЛАРНИНГ САМАРАСИДИР

## САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ АКЦИЯСИ

Сог'лиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган "Саломатлик кунлари" ижтимоий акцияси доирасида "Инсон қадри учун" шиори остида соғломлаштириш ҳафталиги, Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида ҳам давом этмоқда. Айти кунларда вилоятнинг 19 та даволаш профилактика муассасаларида 400 ортиқ жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди.



Аҳолининг кам таъминланган, "Ёшлар" дафтари, "Аёллар дафтари" да рўйхатда турувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга ўтказилган юқори технологик операциялардан халқимиз жуда мамнун, уларнинг истак ва орзуларининг рўёбга чиққанлигини, уларнинг дил иззорлари ва қувонч кўз ёшларида ифодаланиши, юртимизда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар "Инсон қадри" учун дея аталмиш юксак маърифат ва маънавият кўзгусидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари томонидан РШТЁИМ Бухоро филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижросини бажариш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Марказда "Инсон қадри учун" - "Саломатлик ҳафта-

олиб борилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишишди. Вилоятда қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш йўналишлари борасида олиб борилаётган режавий ишлар, Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва вилоят филиали билан узвийлик ва ўзаро алоқа олиб бориш, туман мутахассисларини тажриба орттиришига кўмаклашиш, беморларга тиббий ёрдам стандартларига мувофиқ маслаҳат ва диагностика, даволашни амалга ошириш борасидаги ишлар кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда тиббиётда олиб борилаётган ўзгаришлар бўйича ривожланган давлатларнинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларидан андоза олиш ва улар билан истиқболли меморандумлар тузиш бўйича ўзаро фикр алмашишди. Ташриф давомида реанимация бўлимида



лиги" доирасида тизимда яратилган имкониятлар, вилоят аҳолисига шошилинч тиббий ёрдам диагностикаси ва даволаш стандартларига риоя қилиш тартиблари, юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, беморларнинг шифо топиб касалликдан буткул тузалиши учун ташкил қилинган шарт-шароитлар ҳамда соҳада

даволанаётган оғир беморлар аҳолидан хабар олинди. Бўлимида яратилган шароитлар, ҳамширалар томонидан беморларнинг алоҳида парвариш қилиниши ҳамда даволаш учун барча турдаги дори воситалари, тиббий анжом ва аппаратура билан тўлиқ таъминланганлиги алоҳида эътироф этилди. Бундан ташқари, ўта оғир ва даволанишни узоқ давом эттира-



диган беморларни касаллик варақалари таҳлил қилиниб, даволаш жараёни учун тегишли маслаҳатлар берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Умидулла Рискиев операцион бўлим фаолияти билан танишиш жараёнида марказга "Рецидив киндик чурраси" ташхиси билан ётқизилган беморнинг "аёллар дафтари" да рўйхатда туришидан хабар топди. Мутахассислиги жарроҳ бўлган Умидулла Рискиев 42 ёшли аёлнинг жарроҳлик амалиётини маҳаллий шифокорлар билан муваффақиятли амалга оширди. Вазирлиқнинг бир гуруҳ мутахассислари марказнинг гинеколог ва хирург врачлари томонидан бажарилаётган юқори

технологик операция жараёнида тўғридан-тўғри кузатиб боришди ҳамда тегишли тавсиялар беришди. Марказда олиб борилаётган курилиш ишлари мутасадди ходимларни ҳам беварқ қолдирмади. Халқимиз учун замонавий қулайликларга эга ва жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 135 ўринга мўлжалланган 5 қаватли "терапевтик корпус" ва "ангиография" бўлимининг жадал қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, бу жараёнлар Давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасига бўлган эътиборининг яна бир юксак намунаси, десак муболаға бўлмайди. Зеро, халқнинг саломатлиги - "Инсон қадри" тушунчасининг асосларидан биридир.



## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА




Мазкур "Саломатлик кунлари" ижтимоий акцияси доирасида аҳолини соғломлаштириш ишлари Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказида ҳам давом этмоқда.

Марказ директори Нодир Қобировнинг қайд этишича, акция давомида вилоятнинг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган 30 нафар кишида юқори технологик жарроҳлик амалиёти бажарилиши режалаштирилган. Айти вақтга қадар 12 кишида ана шундай жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди. Мураккаб операциялар четдан мутахассис иштирокисиз, марказ филиалининг ўзига ишонган етакчи мутахассислари томонидан замо-

навий тиббий ускуналар орқали амалга оширилди. Шунингдек, фуқаролар соҳа йўналишида тиббий кўрикдан ўтказилиб, тиббий маслаҳатларини бериб

борилмоқда. Бу эса, аҳоли саломатлигини тиклаш ва одамларни рози қилиш йўлидаги эзгу қадамлардан бири бўлиб ҳисобланади.





ИНСОН ҚАДРИ УЧУН: БУХОРО ВИЛОЯТИ

# КЎЗЛАРГА НУР, ҚАЛЪЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИБ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган “Саломатлик кунлари” ижтимоий акцияси доирасида “Инсон қадрини улуғлаш ва халқ саломатлигини мустаҳкамлаш—энг олий мақсад” шиори остида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.



Марказ филиалининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан вилоятдаги олис туманларда бирламчи офтальмологик текширувларни амалга оширилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 120 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Марказ филиалига электрон йўлланма асосида йўналтирилган беморлар мутахассис-

лар томондан кўрилиб, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида замонавий диагностик текширувлар ҳамда даволаш ишлари олиб борилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида аниқланган касалликлар бўйича тегишли тавсиялар берилиб, асоратли катаракта билан касалланган беморларда катаракта факоэмульсификацияси, қандли диабет билан оғриган беморларда тўр парда панретинал ва фокал лазер коагуляцияси микрожарроҳлик амалиётлари юқори самардорлик билан ўтказилмоқда.

Юқорида амалга оширилган хайрли ишлардан кўзлан-



**Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларнинг 14 нафаридан юқори технологик лазер ҳамда жарроҳлик амалиётлари давлат бюджетидан ҳисобига бепул бажарилди.**



ган асосий мақсад аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиб, халқнинг розилигини олиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини соғломлаштириш ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар ижти-

моий ҳимояга муҳтож бўлган беморлар, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг 14 нафаридан юқори технологик лазер ҳамда жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

Юргимизда ўтказилаётган “Саломатлик кунлари” акциясидан нафақат беморлар, уларнинг оила аъзолари ҳам тиббиёт соҳасидаги ислохотлардан мамнундирлар.

## АҲОЛИ ИХТИСОСЛАШГАН ТИББИЙ ХИЗМАТДАН МАМНУН



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази раҳбари бошчилигидаги гуруҳ мутахассислари навбатдаги “Саломатлик кунлари” ижтимоий акциясини Ромитан туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказида ўтказдилар. Ушбу марказ Ромитан, Пешику, Бухоро туманлари ва Газли шаҳри аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, марказ қабул-диагностика бўлими, операцион блок ва операцион-реанимацион блокдан ташкил топган.

Гуруҳнинг кунлик иш тартиби аввало мазкур марказ фаолиятини ўрганишдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини бажариш бўйича 34 турдаги тиббий техника ва тиббий буюмлар билан жиҳозлаш стандартла-

ри, даволанаётган беморлар ва уларнинг касаллик тарихлари, аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизматни ташкил этиш ҳамда марказни тор соҳа мутахассислари билан таъминлаш ишлари билан танишилди.

Шунингдек, қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни йўналишлари борасида олиб борилаётган режавий

ишлар, Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва вилоят филиали билан узвийлик ва ўзаро алоқа олиб бориш, туман мутахассисларини тажриба орттиришига кўмаклашиш, беморларга тиббий ёрдам стандартларига мувофиқ маслаҳат ва диагностика, даволашни амалга ошириш борасидаги ишлар кўриб чиқилди. Марказнинг вазифалари тўғрисида тушунтиришлар берилиб, мутахас-



сисларнинг тажриба орттиришига кўмаклашиш орқали амалий-услубий ёрдам кўрсатилди. РИШТЭИМ Бухоро филиали Ромитан туман субфилиали томонидан туман аҳолисига кўрса-

тилаётган тиббий хизматлар сифати ва самардорлигига янада эришиш мақсадида операцион хона ва жиҳозлар, етишмайдиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиш, таъмирталаб аппаратларни сошлаш ишларини амалга ошириш, ЭОП аппаратини олиб ўрнатиш, дори-дармон таъминотини яхшилаш ва бошқа шунга ўхшаш айрим муаммоларни юқори ташкилотлар ва ҳокимлик даража-

борилаётган қурилиш ишлари билан ҳам танишилди. Бино қурилиши бўйича Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж.Тохиров маълумот берди. Мутахассислар томонидан тумандаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ҳисобида турадиган фуқаролар ҳамда кам таъминланган оила аъзолари ва ижтимоий муҳофазага мансуб беморларнинг 45 нафаридан ортиқроғи тиббий кўриклардан ўтказилиб, 8 нафар саралаб олинган беморларга юқори технологик оператив амалиётлар бажарилди. Шу билан бирга юрак ўтказувчанлиги бузилган беморларга электрокардио-стимуляторлар ўрнатилиб, 9 нафар беморга каминвазив манипуляциялар амалга оширилди.

Беморларни ихтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир савобли ишларни янада кенгайтириш, ҳукуматимизнинг оқилона сиёсатини давом эттириш орқали оғир дардга чалинган беморлар, ватандошларимизга ўз она юртида шифо топиш бахтини улаштириш устида тинмай излашни ишлари давом этишидан мамнунмиз.

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси  
Ахборот хизмати



УСТОЗГА ЭХТИРОМ

## УМР МАЗМУНИНИНГ ИБРАТЛИ ЙЎЛЛАРИ...



*Доно халқимизда ҳикматли нақлар бисёр: “Нима эксанг, шуни оласан”, “Изланганга толе ёр”, “Бўладиган бола бошидан маълум”... Дарҳақиқат, 1942 йилнинг 5 мартида Тошкент шаҳрида зиёлилар хонадонидан таваллуд топган Шавкат Рафиқович Раҳмонов оиласига назар солар экансиз, мазкур фикрларнинг нечоғлик тўғрилигига қўйил қоласиз. Бу ҳаёт ҳақиқатининг замирида бошдан-оёқ тинимсиз меҳнат, машаққат ётганлигига тан берасиз. Зеро, меҳнатсиз роҳат, фароғат йўқ. Лавҳамиз қаҳрамонининг босиб ўтган ҳаёт йўлига қисқа назар ташлар экансиз, унинг тинимсиз меҳнат, машаққат, изланишлар эвази эришганига амин бўласиз.*

Унинг оловли уруш йилларидаги беозор болалик йиллари осон кечмади. Бу бир тишлам нонга, ота-она, катталар меҳрига зорлик, интизорлик дейсизми? Ёки қаҳрамонимизнинг оғир уруш йилларидан кейинги тикланиш давридаги ҳаёти ҳам осон кечган эмас. У ўша даврларда тақдир тақозоси билан Оҳангарон туманининг Облик қишлоғида бир неча йиллар мобайнида қийинчилик, очарчилик азоб-уқубатларини бошидан кечиришга мажбур бўлган. Қийим-боши юпун, ўзи оч-наҳор аҳволда пешингача мактабга бориш, ундан кейин далага чиқиб, хўжалик ишларига бориб ёрдамлашиши, қайтишда эса уй-рўзгордаги мол-ҳоллар

учун ўт-хашак келтириши зарур эди. Кечкурун эса, ғира-шира ёнган шам ёруғида дарс тайёрлар эди. Эрталабдан эса яна сахар туриб, мол-ҳолларни подага кузатиш, уй-рўзгоришларига қарашини кутиб турарди. Эрта баҳордан кеч куз, қишгача мол-ҳолларга ем-хашак бериш, уларни парвариш қилишдан қўли бўшамасди.

Шу зайдда Шавкатхон ўрта мактабнинг 7-синфини тугатгач, 1956-1959 йилларда Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт техникумида фельдшерлик бўйича таълим олди. Бу ерда ҳам ўқиш, ётоқхонада яшаш осон кечмади. Оловли ёшлик, ўспиринлик уни оғир синовлардан ўтказди. Қисқа фурсат, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Қатортол

қишлоқ шифохонасида меҳнат қилди. 1962–1968 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтида тахсил олди. Бу даврда ҳам ўзининг меҳнат фаолиятини Республика руҳий касалликлар шифохонасида, Тошкент шаҳар 6-сонли нон заводи фельдшерлик пунктида, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида, Тошкент шаҳар 28-поликлиникаси ва Ўзбекистон сил илмий-текшириш институти клиникасида олиб борди.

Кейинчалик Шавкат Раҳмонов Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 6-курс, якуний босқичида Ўзбекистон сил илмий-текшириш институтида ташкил этилган фтизиоурология субординатурасида тахсил олиб, 1968–1970 йилларда фти-

зиатрия бўйича клиник ординатурада тахсил олди. 1970–1976 йилларда эса, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги йўлланмаси билан Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар силга қарши кураш диспансерига ҳудудий фтизиатр, диспансер бўлими мудири, бош шифокор лавозимларида ишлади. 1976 йилдан 2001 йилгача Академик Ш. Олимов номидаги Ўзбекистон сил илмий-текшириш институти клиникасида фтизиоуролог шифокор, фтизиоурология бўлими мудири, республика силга қарши диспансер бўлими мудири ва республика флюорография бўлими мудири лавозимларида ҳалол меҳнат қилди. 1981 йилда у олий тоифали шифокор даражасига эришиб, 1982 йилда тиббиёт фанлари номзодлигини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шавкат Раҳмонов 2001 йилдан бери Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли поликлиника таркибидаги фтизиатрия бўлимида хизмат қилиб келмоқда. Узоқ йиллар давомидаги узлуксиз, самарали меҳнат муносиб баҳоланди. У 2020 йилда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгашининг 1-даражали “Меҳнат

фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Ёши саксонга етганига қарамай, элимиз саломатлигини сақлашда мудом ҳаракат қилаётган шифокор отахон ҳамон тетик ва бардам. Унинг оиласини ҳақли равишда шавкатли шифокорлар оиласи дейишга ҳақлимиз: ўзи – фтизиоуролог, фан номзоди; рафиқаси Саидахон Воҳидовна – олий даражали шифокор, Соғлиқни сақлаш аълочиси; ўғли Талъат Раҳмонов – олий даражали кардиолог, тиббиёт фанлари номзоди; катта келини Дилдорахон – ташкилотчи врач, кичик келини Севинчхон – олий тоифали эндокринолог, ёлғиз кизи Ферузахон – олий тоифали педиатр, невропатолог; икки набираси ҳам беш дақиқаси кам шифокорлар, хозирда Тиббиёт академиясида тахсил олишмоқда.

**Офарин, Сизга, шифокорлар сулоласи! Фурсатдан фойдаланиб, лавҳамиз қаҳрамони Шавкатхон отани кутлуг ёши билан табриклар эканмиз, эл саломатлиги йўлида асло чарчаманг, захматли меҳнатларингиз роҳатини кўринг, тўксон билан тўкнашиб, юз билан юзлашинг, дегимиз келди.**

Дилором ХОТАМОВА.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

МАҚСАД: УМР КЎРИШ  
ДАВОМИЙЛИГИНИ УЗАЙТИРИШ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан бажарилиши режалаштирилган “Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятини оширишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш” мавзусида Сирдарё вилоятида ҳам тадқиқот ўтказилди.

Аҳоли саломатлигини асраш, умр кўриш давомийлигини ўзайтириш, касалликлар сонини қисқартириш мақсадида юртимизда олиб борилган тадқиқотлар натижасида шулардан кўзатиладигани, аҳоли орасида учраётган ўлим ҳолатларига юқумли касалликлардан кўпроқ, юқумли бўлмаган касалликлар сабаб бўлаётгани маълум бўлди.

Янада ачинарли томони бу касалликлар ёшариб, у 30-69 ёшдагилар орасида ҳам учрамоқда. Улар орасида кўпайиб кетган юрак ишемика касаллиги, артериал гипертензия ва унинг асоратлари, хавфли ўсма (20 фоиз), қандли диабет (7 фоиз) каби юқумли бўлмаган касалликлар билан касалланиш ҳолатлари кўпайгани тадқиқотлар натижасида кузатилди. Бу

эса эрта ўлимга, умр кўриш давомийлигини қисқаришига олиб келяпти.

**Хўш, бунга нима сабаб бўлиши мумкин?** Тадқиқотчилар узоқ кузатиш, олиб борган тадқиқотлари натижасида савол ечимини топди. Яъни аҳоли орасида учраётган ўлим кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолатларни ошишига соғлом турмуш қоидаларига риоя этмаслик, жисмоний фаолликни сустлиги, нотўғри овқатланиш, мева ва сабзават маҳсулотларини етарлича (кунлик норма 400 грамм) истеъмол қилмаслик, туз миқдорини меъридан ортиқча истеъмол қилиш оқибатида юқумли бўлмаган касалликлар билан касалланиш ҳолатлари келиб чиқаяпти деган тўхтамага келишди. Худудларда, маҳаллаларда, аҳоли кўп

тўпланадиган жойларда, давлат ва нодавлат ташкилотларда, у ерда ишлаётган ишчи хизматчилари орасида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш, жисмоний фаолликни тарғиб қилувчи тадбирлар, семинарлар, учрашувлар ташкил этилиб, 5000 қадм, йўлак бўйлаб сайир қилиш, жисмоний фаолликни оширишга қаратилган спорт тадбирларини ўтказиш борасидаги ишларни бошлаб юборди. Аҳолининг учдан икки қисми мева ва сабзавотларни етарлича (кунлик 400 грамм) истеъмол қилмаган ҳол-

ни инobatга олган ҳолда, танлаб олинган 4 та ҳудуддаги маҳаллаларда 40 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари ва юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларининг тарқалганлиги даражасини ўрганиш, унинг асосида маҳалланинг “Саломатлик профили”ни яратиш, хавф омилларининг турларига уларни бартараф қилиш бўйича соғлом турмуш тарзи кўникмалари- (тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик ва зарарли одатлардан воз кечиш)ни ҳосил қилиш мақсадида “Соғлом

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳудудий бўлими томонидан вилоятдаги Гулистон шаҳар “Улуғбод” МФЙсида ҳамда Боёут туман “Ифтихор” МФЙсида истикомат қилувчи 500 нафар 40 ёш ва ундан катталарни скринингдан ўтказишни белгилаб олди. Мазкур ўтказиладиган тадқиқот лойиҳасини олиб бориш учун белгилаган режа бўйича вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамкорлиги белгилаб олинди. Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига қарашли мазкур “Улуғбод” ҳамда “Ифтихор” МФЙларида маҳалла раислари ҳамкорлигида йиғилиш олиб борилди ва унинг моҳияти тушунтирилди. Авваламбор мазкур тадқиқотини олиб бориш мақсадида 40 ёш ва ундан катталар рўйхати шакллантирилди. Скрининг ўтказиш учун барча тиббий асбоблар билан тўлиқ камраб олинди. Тармоқ режаси тасдиқланиб, махсус саволнома орқали скрининг ўтказилди.

**Тожиҳон ГАФОРОВА,**  
Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази Сирдарё ҳудудий бўлими бошлиғи.



да, ўртача истеъмол қилинаётган туз миқдори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия қилган меъёрлардан 3 баробар ортиқ, аҳолининг 50,1 фоизидан ортиқча вази ва 20 фоизидан семизлик аниқланган. Юқоридагилар-

турмуш тарзи асослари” ҳамда юқумли бўлмаган касалликлар аниқланган беморлар учун “Касалликни енгамиз” амалий қўллашмасини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси Аҳолининг соғлом



## ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ

# МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ АСОСИЙ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ ВА ДАВОЛАШДА Қўлланиладиган Воситалар

*Ушбу мақолада метабolik синдромнинг асосий диагностика мезонлари ва унинг асосида келиб чиқадиган юрак қон-томир системаси касалликлари, инсулинорезистентлик, гиперлипидемия ва липид алмашинувнинг бузилиши ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилган. Шу билан бирга, ҳавф омиллари ва гемостаз тизимидаги бузилишларга қараб метабolik синдромни эрта танишдиш ва олдини олиш, ундан ташқари даволашда ва касалликнинг олдини олишда қўлланиладиган дори воситаларини қўллаш дастурларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилган.*

Метаболик синдром ва унинг асосида келиб чиқадиган юрак қон-томир касалликлари, ўлимнинг энг асосий сабабчиларидан саналган кўпгина касалликларнинг, қандли диабет 2-тип, атеросклероз, юрак қон-томир касалликлари, гиперинсулинемияни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан саналади. Метаболик синдромни ажратиш катта клиник аҳамиятга эга. Бу синдром гиперинсулинемия, глюкозага толерантликнинг бузилиши, юқори зичликли липопротеид холестериннинг паст концентрацияда бўлиши, паст зичликли липопротеид холестериннинг концентрациясининг ошиши, артериал гипертензия каби омилларни ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларда 35 ёшдан ошганларда метабolik синдромнинг тарқалиши турли статистик маълумотларда келтирилиши бўйича 10-20% ни ташкил этади. Бу касаллик асосан эркакларда, аёлларда эса менопауза даврида кўп учрайди. Синдром ўз ичига олган касаллик ва ўзгаришларнинг клиник аҳамияти шундаки, уларнинг биргаликда келиши, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда аҳоли орасида ўлим кўрсаткичини келтириб чиқарувчи сабаблар орасида биринчи ўринда турадиган атеросклеротик томир касалликларининг шаклланиши ва ривожланишини кучайтиради.

Охирги 20 йилда артериал гипертензия, семизлик ва қандли диабет орасида келиб чиқиш сабабига ва асоратига кўра боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Ҳозирги тадқиқотларга биноан бу касалликлар бирга келиши тасодиф эмас, балки умумлашган метаболитизм бузилишидир. Маълумки, замонавий тиббиёт фани ва амалиётининг энг муҳим муаммоларидан бири бу "инсулин қаршилигига асосланган метабolik синдром (МС) ..."дир. Инсулин қаршилиги – бу глюкоза алмашинувнинг ёмонлашуви, бета-хужайралар томонидан инсулин ишлаб чиқаришнинг компенсацион кўпайиши ва гиперинсулинемиянинг ривожланиши натижасида инсулиннинг гипогликемик таъсирига турли органлар томонидан тўқималар реакциясининг бузилишидир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, "инсулин қаршилигининг метабolik оқибатлари гипергликемия, гипертензия, дислипидемия, висцерал семиз-

лик, гиперурикемия, яллиғланиш белгиларининг кўтарилиши, эндотелиал дисфункция ва тромботик ҳолатларга олиб келиши мумкин ..."

Метаболик синдромнинг келиб чиқишига учта омил: гиподинамия, наслий мойиллик, ёғни кўп истемол қилиш ҳисобланади.

**Кўйидагилардан камида метабolik синдром мавжудлигини таъкидлаш мумкин:**

- ортиқча вазн;
- артериал гипертензия;
- углевод алмашинувнинг турли даражадаги бузилишлари;
- дислипидемия (қонда липидлар нисбатининг бузилиши);
- эрта атеросклероз;
- юрак ишемик касаллиги;
- подагра.

### Семизлик

Сурункали, қайта такрорланадиган касаллик бўлиб, кўплаб бошқа касалликларга олиб келиши билан биргаликда жуда узок давом этиши ва баъзан умрбод даволанишни талаб қилади. Статистика малумотларига кўра, ҳар йили камида 3,4 миллион одам ортиқча тана вазн ёки семизлик туфайли вафот этади. Масалан, Россиянинг турли ҳудудларида 44% диабет, 23% юрак ишемик касаллиги ва 7% дан 41% гача саратон касаллиги семизлик туфайли деб топилди.

### Гиперинсулинемия

Семизлик билан оғриган беморларда ИР ривожланади ва глюкозанинг нормал миқдорида инсулинга боғлиқ тўқималарида глюкозанинг ўзлаштирилиши бузилади. Бунда компенсатор равишда гиперинсулинемия ривожланади. Глюкозанинг хужайрага киришининг бузили-

ши ва қонга инсулиннинг кўп миқдорда чиқарилиши қонда глюкоза миқдорининг кўпол бузилишларига олиб келади. Метаболик синдромнинг дастлабки босқичларида глюкоза миқдорининг кескин ўзгаришлари кузатилади, овқатдан кейин кескин гипергликемия ва овқатдан сўнг бир неча соат ўтгач кескин гипогликемиягача тушиши кузатилади. Кечиккан босқичларида эса оч коринга глюкоза миқдорининг ошиши кузатилади.

**Хулоса:** таъкидлаш лозимки ҳозирги вақтда бу касаллик кўлами борган сари кенгайиб бормоқда. Олиб борилган изланишлар натижасида бу касаллик замонавий турмуш тарзи – камҳаракатлилик, нораціонал овқатланиш, мажбурий жисмоний юктамаларнинг йўқлиги туфайли келиб чиқиши кўрсатилди. Ҳатто асоратларнинг шартли схемаси мавжуд: МС –10-20 ёш, атеросклероз – 20-30 ёш, инфаркт, инсульт – 30-40 ёш. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси таъкидланган қатор касалликлар билан асоратланади. Шу сабабли соғлом турмуш тарзи, рационал овқатланиш, мажбурий жисмоний юктамалар, ёғ босишини олдини олишга қаратилган барча чоралар метабolik синдром профилактикасининг асосини ташкил қилади. Соғлом овқатланиш, мунтазам жисмоний фаоллик, соғлом вазни сақлаш ва ёмон одатлардан ҳалос бўлиш муҳимдир. Метаболик синдромнинг клиник белгилари бор беморлар домий равишда қондаги холестерин, оксил, глюкоза, АЛТ, АСТ, юқори ва паст зичликдаги липидлар

миқдорини доимий равишда лаборатор текширувидан ўтказиб туришлари ва артериал қон босимини мунтазам назорат қилиб боришлари лозим. Албатта, парҳез овқатланиш рационига кўпроқ сабзавот, мева, балиқ ва тарик донларини қўшиш, тўйинган ёғ, транс ёғлардан сақланишлари керак, туз (қунига 5-6 граммдан кўп бўлмаган) ва шакар (30 граммдан кўп бўлмаган) маълум миқдорда бўлиши лозим.

Метаболик синдром ҳолатларида визуал диаграммадан фойдаланишни таклиф қилган бўлардим: пластинкани учдан бир қисмидан бироз кўпроғини сабзавот ва мевалар эгаллаши керак, яна учдан бир қисмини углеводлар (картошка, гуруч, тарик донли макарон ва турли хил донлар) ва оксилли (гўшт, балиқ, дуккакли) маҳсулотлар бўлиши керак. Ҳар куни жисмоний фаолият билан шуғулланишга ҳаракат қилиш ва унга куч ва аэробик машқларни киритиш керак.

**Рашид САТЛИҚОВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Тиббий профилактика, соғлиқни сақлашни бошқариш ва хорижий талабалар факультети декани, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.  
**Ганижон ҚУЛМАТОВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Даволаш факультетининг 3-босқич бакалавр талабаси.

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА Қўшимча иш ҳақи Ундириб берилди

Пахтаобод туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмаси таркибидаги тез тиббий ёрдам бўлими бир гуруҳ ходимларининг мурожаати ўрганилди.

Аниқланишича, тиббиёт бирлашмаси томонидан ихчамлаштирилган мобил тез тиббий ёрдам бригадалари ташкил этиш чоралари кўрилмаганлиги оқибатида туман Тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам ходимларининг барчаси 2021 йилнинг июль-август ойлари давомида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган.

Шу сабабли Тез тиббий ёрдам бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмасига ушбу ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш табеллари тақдим этилган. Туман тиббиёт бирлашмаси томонидан табелда кўрсатилган ходимларга иш ҳақи тўланиши рад этилган, бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг эътирозларига сабаб бўлган.

Ушбу мурожаатлар ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларида катнашган ходимларнинг иш ҳақлари қайта ҳисоб-китоб қилинди.

**Натижада тиббиёт ходимларига жами 686.750.658 сўм қўшимча иш ҳақи тўланадиган бўлди.**

**Ғофиржон СОЛОМОВ,**  
Андижон вилояти Пахтаобод тумани адлия бўлими бошлиғи.

## СТАНДАРТНЫЕ ПРЕПАРАТЫ ОТ ГИПЕРТОНИИ ПОВРЕЖДАЮТ ПОЧКИ

Небольшое исследование выявило риск повреждения почек, связанный с приемом хорошо изученных гипотензивных лекарств – ингибиторов АПФ и БРА.

Как сообщили специалисты из Исследовательского центра детского здоровья Медицинской школы Университета Вирджинии в Шарлоттсвилле (США), ингибиторы АПФ (ингибиторы ангиотензинпревращающего фермента) и БРА (блокаторы ангиотензиновых рецепторов) могут быть связаны со структурным повреждением почек. Они обнаружили этот сигнал опасности в исследовании, в котором данное нежелательное явление наблюдалось у шести пациентов после длительного лечения ингибиторами ренин-ангиотензиновой системы (РАС) – надкласса препаратов, включающим ингибиторы АПФ и БРА. Среди прочего, в их отчете задокументированы патологические анатомические изменения в клубочковых артериолах у шести пациентов, принимавших ингибитор РАС в течение 6 лет и более. «Мы обнаружили, что у млекопитающих, включая человека, ренин-экспрессирующие клетки ответственны за гипертрофию артериол в том случае, когда они постоянно стимулируются спонтанными мутациями генов RAS или применением ингибиторов РАС», – уточняется в отчете. Открытие американских ученых трудно переоценить, ведь ингибиторы АПФ, и БРА – хорошо зарекомендовавшие себя базовые препараты, используемые в том числе для сохранения функции почек и замедления прогрессирования хронической болезни почек (ХБП). Они также являются стандартом для контроля артериального давления, снижения частоты сердечно-сосудистых заболеваний и улучшения исходов у пациентов с сердечной недостаточностью. Реакция нефрологов и других экспертов на отчет варьировалась от озабоченности до скептицизма, но большинство согласны с тем, что эти данные должны побудить ученых провести соответствующие рандомизированные контролируемые исследования, которые или подтвердят, или опровергнут первичные результаты.

**Наталья КУЛЬНЫШ.**



# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан юртимиздаги барча хотин-қизларни самимий муборакбод этади!**

**Уларга соғлиқ-омонлик, оилавий хотиржамлик, қувонч ва шодлик тилаб қолади!**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жаҳон банки экспертларидан иборат делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш доирасида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида тайёрланмоқда. Бу жараёнга қатор халқаро ташкилотлар экспертлари ва маслаҳатчилари жалб этилган. Стратегия Ўзбекистонда тиббиётни янги босқичга олиб чиқишни кўзда тутди. У тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, соҳани молиялаштириш ва бошқариш механизмларини такомил-

лаштириш, электрон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш каби саккизта муҳим йўналишни қамраб олади. Маълумки, бугун ҳар бир соҳада инновацияларнинг ўрни жуда муҳим. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бунга эҳтиёж юқори. Қолаверса, халқаро амалиёт шунини тасдиқлайдики, тиббиётни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишда илғор бошқарув менежменти ҳал қилувчи ўрин тутди. Муаммоли масалаларга креатив ёндашиш, замонавий тенден-

циялар асосида ечим топиш орқали эса кўзланган марраларга тез ва самарали эришиш мумкин. Шу мақсадда биринчи босқичда Жаҳон банки экспертлари кўмагида ишчи гуруҳлар тузилиб, халқаро ва маҳаллий маслаҳатчилар учун техник топшириқлар ишлаб чиқилди ҳамда уларга бир қатор талаблар белгиланди. Навбатдаги босқичда халқаро экспертлар томонидан ҳар бир йўналиш бўйича ситуация таҳлил ўтказилади. Ҳозир бу борада амалий ишларга киришилган. Хусусан, халқаро экспертлар ҳудудлардаги даволаш-профилактика муассасаларида ўрганишлар олиб боради. Уларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бошқармалари раҳбарлари ҳамроҳлик қилади. Жой-



лардаги реал вазият атрофлича ўрганилгач, тўпланган маълумот ва далиллар таҳлил қилиниб, эксперт ва ишчи гуруҳлар томонидан ҳолис баҳоланади ва тегишли тавсиялар тақдим этилади. Албатта, буларнинг барчаси соҳадаги муаммоларга халқаро тажриба ва энг илғор ёндашувлар асосида амалий ечим топишга

хизмат қилади. Учрашувда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари ва Жаҳон банки томонидан жалб этилган халқаро экспертлар стратегияни ишлаб чиқиш билан боғлиқ муҳим вазифалар хусусида фикр алмашдилар.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.**

Газета муассиси:  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Бош муҳаррир  
Амрилло ИНОЯТОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.  
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

Адади 674 нусха.  
Буюртма Г-340

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.  
Газета қажми 2 босма табоқ, Формати А3, Офсет усулида босилган.

Сохтафозчи: Нарзулла Хамроев

Босмамаълумотга топшириш вақти – 20.00.